



ADAPTATION FUND

Қарақалпоғистон Республикасининг
шимолий туманларидағи тупроқлы
иссиқхоналарда сабзавот
экинларини етиштириш
технологияси бўйича
ТАВСИЯЛАР



Ўзбекистоннинг иқлимий ва географик хусусиятлари, сайёранинг глобал экологик тизими учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ноёб турларини ўз ичига олуви нодир экотизимлари экологик барқарорликни таъминлаш масалаларини умуммиллий устувор масалалар қаторига қўшишга асос беради. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таъминланётган иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини эътиборга олиб, жумладан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни келажак авлод учун асраш билан бирга атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатларни иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган чоралар билан муқобиллаштириш зарурияти тан олинмоқда.

БМТД ривожланаётган мамлакатларнинг институциявий салоҳиятини такомиллаштиришга йўналтирилган дастурлар ва лойиҳалар, шунингдек тегишли пилот ташабbusларни амалга ошириш орқали барқарор ривожланишга эришишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

2015 йилнинг охирида Парижда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенциясининг барча Томонлари-мамлакатларининг 21 конференциясида иқлим ўзгариши масалалари бўйича глобал битимга эришиш нуқтаи назаридан таҳдидларга қарши кураш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бу борадаги кейинги фаолиятнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу янги қабул қилинган 2013 йилгача истиқболга Барқарор Ривожланиш Мақсадларида баён этилди – 13-сон БРМ - Иқлим ўзгариши билан кураш¹.

БМТД Мамлакат оғисининг Барқарор Ривожланиш Бўлими иқтисодий самарадорлик, физик ва экологик барқарорлик ва маданий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашиш мақсадида миллий ва халқаро ҳамкорлар билан биргалиқда ишлаб келмоқда (www.uz.undp.org).

Қўлланманни «Ўзбекистоннинг қурғоқчили туманларида жойлашган фермер ва дехқон хўжаликларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш» лойиҳасининг миллий маслаҳатчиси **Асатов Шухрат Исматович** тайёрлади.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Даствури ва Мослашув жамғармасининг «Ўзбекистоннинг қурғоқчили туманларида жойлашган фермер ва дехқон хўжаликларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида тайёрланди.

Мазкур нашрда баён этилган фикр ва хуносалар муаллиф нуқтаи назарини ифода этиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки Ўзбекистондаги БМТД нинг расмий нуқтаи назари хисобланмайди.

ISBN

© UNDP, 2016
© Baktria press, 2016

¹<http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/library/mdg/millennium-development-goals-in-uzbekistan/>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
1. ИССИҚХОНАЛАРНИ ИШГАТУШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ	3
1.1. Плёнкали баҳорги иссиқхоналарни тайёрлаш	3
1.2. Қишки (иситиладиган) ойнали ва плёнкали иссиқхоналарни тайёрлаш	3
1.3. Трупроқ грунтларни тайёрлаш ва ўғитларни құллаш	5
1.4. Алмашлаб әкіш	7
2. ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИСИ	8
2.1. Биологик хусусиятлари ва навлари	8
2.2. Ўстиришнинг умумий усуллари	9
2.3. Турли мавсумларда помидор етиширишнинг ўзига хос хусусиятлари	14
3. БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИСИ	17
3.1. Биологик хусусиятлари ва навлари	17
3.2. Етиширишнинг умумий усуллари	18
3.3. Турлича алмашлаб әкішда бодринглар етиширишнинг ўзига хос хусусиятлари	22
4. КАМ ТАРҚАЛГАН САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	27
4.1. Болғар қалампири	27
4.2. Гулкарам	29
4.3. Қовун ва тарвузлар	30
5. КҮҚАТЛАР ВА РЕДИСКА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	32
5.1 Укроп	32
5.2. Кашнич	33
5.3. Петрушка	34
5.4. Редиска	34
ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР	36
ИЛОВА: ЎЗБЕКЧА-РУСЧА АТАМАЛАР ЛУГАТИ	37

КИРИШ

Қорақалпогистоннинг иқлим шароити иссиқхона сабзавотчилигини ривожлантириш учун жуда қулайдир. Чунки интенсив ва узоқ давом этадиган қүёш радиацияси оқими бу ерда сабзавот экинларини йил давомида ва нисбатан қисқа (3,5-4 ой) давом этадиган - иситиладиган мавсумларда ҳам етиштириш имконини беради. Шу туфайли мазкур ҳудудда сабзавотларни иссиқхоналарда етиштириш йилнинг совук даврларида уларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган хўжалик фаолиятининг фойдали йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз наебатида, аҳолининг овқатланиш сифатини яхшилашга ҳамда фермер, дәхқон ва шахсий хўжаликлар даромадини кўтариш имконини беради.

Афсуски, ҳудудда мазкур имкониятлардан жуда кам фойдаланилади. Бу ерда иссиқхоналар майдонлари катта эмас ва уларда ҳосилдорлик эса жуда пастdir. Иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавотлар ҳосилдорлигининг гастлиги, тупроқда органик моддалар микдорининг камлиги, унинг шўрланганлиги, заараркунандалар ва касалликларнинг кучли тарқалганлиги

ҳамда маҳаллий шароитлар хусусиятларини ҳисобга оладиган амалий тавсияларнинг йўқлиги оқибатида технологик жараёнларнинг бузилиши билан изоҳланади.

Мазкур тавсиялар Кўлланмаси Қорақалпогистон Республикасининг шимолий туманларида иссиқхоналарга эга бўлган фермерлар, дәхқонлар ва шахсий томорқа участкалари эгаларига ёрдам кўрсатиш, улар томонидан иссиқхоналарда йил давомида сабзавотлар етиштиришда, кафолатланган юқори ҳосилдорликка эришишларини таъминлайдиган, тўла технологик жараёнларини ўзлаштиришлари мақсадида тайёрланди. Кўлланмада, маҳаллий шароит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, иссиқхоналарни ишга туширишга тайёрлаш, тупроқни қайта ишлаш, тупроқли иссиқхоналарда сабзавотларни етиштириш технологиялари ёритилган.



1

ИССИҚХОНАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ

1.1. ПЛЁНКАЛИ БАҲОРГИ ИССИҚХОНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Баҳорги иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда тайёрлик ишлари қорни тозалашдан, синч ва сарровларни ҳамда бинони таъмирлашдан бошланади. Шундан кейин иссиқхона ёруғлик ўтказадиган плёнка билан қопланади ҳамда бир неча кун давомида қуёш нурлари таъсирида қуритилади ва иситилади. Сўнг тупроқ аралашмаси тайёрланади. Агар тупроқ қопламаси ётқизиладиган бўлса, унинг қалинлиги 20-25 см да олинниб, юзаси текисланади ва жўяклар олинади.

Экинлар табиий тупроқда етиширилладиган бўлса, ҳар 1 м² юзага 50 г аммофос, 4-5 кг чириган гўнг ва 0,05 м³ ҳажмда олдиндан 2,5-3 ой давомида ерга кўмиб қўйилган майдаланган материаллар (шоли кепаги, пахтанинг майдаланган чаноқлари, майда сомон, ёғоч қириндиси) солинади. Шундан сўнг 25-30 см чукурлиқда тупроқ қатламига, ерни кўлда юмшатиш ёки ер ҳайдайдиган ротор ёрдамида, ишлов берилади. Сўнг тупроқнинг юза қатламини кўлда майдалаш ёки молалаш йўли билан экиндан олдинги ишлов ўтказилади. Навбатдаги босқичда пушта ва жўяклар олинади. Баҳорги иссиқхоналарда иссиқсевар экинларни етиширишдан олдин совукқа бардошли ва тезпишар ҳисобланган укроп, редиска ва бошқа кўкатларни етишириш мумин. Бундай ҳолатларда кенглиги 2 м гача, баландилиги эса 20-30 см бўлган пушталарга биоиситгичлар ётқизилади, тупроқ юзаси хаскаш билан текисланади ва енгилгина зичлаштирилади. Орадан 2-3 кун ўтказиб, биоиситкич устидан 12-15 см қалинлиқда тупроқ сепилади. Тупроқ иситилгандан сўнг, унинг юзаси хаскаш билан текисланади ва экин экиш учун жўяк олинади.

1.2. ҚИШКИ (ИСИТИЛАДИГАН) ОЙНАЛИ ВА ПЛЁНКАЛИ ИССИҚХОНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Қишки иссиқхоналарни тайёрлашда босқичма-босқич бир қатор ишлар амалга оширилади. Ийл давомида икки марта экин экиладиган иссиқхоналарда барча ишлар ҳам икки марта бажарилади (1.2.1-жадвал).

Қишки иссиқхоналарни тайёрлаш ишлари уни ўсимликлар қолдиқларидан тозалашдан бошланади. Даствлаб пестицид (декис) ва фунгицид (балетон, байр фирмаси) ларни чанглатиш йўли билан заараркунандаларни бартараф этиш ишлари ўтказилади. Бир неча кундан сўнг ўсимликлар 40 см баландлиқда қирқилади

1.2.1-ЖАДВАЛ. ИССИҚХОНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

1-ҚАДАМ		Ўсимликлар қолдиғидан тозалаш
2-ҚАДАМ		Ойналар ва синчларни таъмирлаш
3-ҚАДАМ		Бетон ва ғиштли деворларни оҳак билан оқлаш
4-ҚАДАМ		Қозонхона ва иситиш тизимларини таъмирлаш
5-ҚАДАМ		Иссиқхонани дезинфекциялаш
6-ҚАДАМ		Органик ва менирал ўғитларни келтириш



1.2.1-расм. Симли тутқичлардаги каноп ипларни газли ёндиригич ёрдамида тозалаш.

ва илдизлари суғуриб олиниб, уларда галловий нематодларнинг бор-йўқлиги синчиклаб кўздан кечирилади.

Сўнг илдизлар эски плёнкалар қолдикларига ўралган ҳолда ташқарига олиб чиқилади ва ёкиб юборилади. Галловий нематодлар аниқланган ўчоқлар тупроқни алмаштириш ёки пестицидлар ёрдамида ишлов бериш йўли билан бартараф этилади. Ўсимликларнинг поялари каноп иплар ва ўрамалар билан биргалиқда газли ёндиригич ёрдамида симли тутқичлардан ажратиб олиниади (1.2.1-расм).

Ойна қўйиш ва синчлар билан боғлиқ бўлган асосий таъмирлаш ишлари ёзда ўтказилади. Бетон ва гиштили деворлар оҳак билан оқланади, ёғочлар оқ бўёқ билан, синчларнинг рухланмаган металл қисмлари эса уларни коррозиядан сақлаш учун оч ранги бўёқлар билан бўялади.

Кейинги босқичда қозонхона ва иссиқлик тизимлари таъмирланади. Шундан сўнг иссиқлик тизимида икки марта ювиш ишлари амалга оширилади ва у иссиқ сув билан тўлдирилади. Бу сув иситиш мавсуми бошлангунга қадар иситиш қурилмалари ичida қолдирилади.

Сўнг тупроқнинг 4-5 см қалинлиқдаги юза қисми сидириб олиниб, ташқарига чиқариб ташланади, ойна қопламалар бо-



1.2.2-расм. Иссиқхонани заараркундандалардан тозалаш.

симли сув билан ювилади. Иссиқхоналардаги мавжуд барча қурилмалар синчиклаб текшириб чиқилади ва таъмирланади. Ойналар иссиқлик тизимида иссиқ сув билан қайта ювилади. КР иссиқхоналаридағи тупроқ-грунтлар ҳам сувда ювиш йўли билан шўрдан тозалашга эҳтиёж сезади. Ювиш мақсадидаги суғориш ишлари, иссиқхоналар пойдеворига зарар келтирмаслиги учун, 0,1 гектарга 80-90 м³ миқдордаги кичик меъёрларда амалга оширилади. Лекин мазкур тадбирлар 6-8 соат оралиқда 3-4 марта тақрорланади.

Иссиқхоналарни дезинфекция қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Агар иссиқхоналарнинг металли қисмлари олтингурут газининг емириш таъсиридан яхши ҳимояланган бўлса, уларни фумигация билан дезинфекциялаш мумкин. Герметикликини сақлаш мақсадида қопламалар ва деворлардаги барча ёрқитлар ва тирқишлилар беркитилади, иссиқхонага керакли жиҳозлар ва таралар - қоп, яшик, бочкалар олиб кирилади. Шундан сўнг металл идишга солинган олтингурут бўллаклари (хонанинг 1 м² тига 50-100 грамм ҳисобида) ёки олтингурут уни (25-60 г/м³) тутатилади. Иссиқхонанинг герметиклиги етарли даражада бўлмаганида, заарсизлантиришнинг намлаш усулини қўллаш маъқулдир. Тупроқ юзасига, иссиқхонанинг барча ички қисмига, ойналари-

га, жиҳозлар ва тараларга 2 % ли формалин эритмасига 0,3 % ногокельтан ва 0,5 % ногокорбофос аралаштирилиб сепилади (1.2.2-расм.). Дезифекциядан сўнг иссиқхона 2 сутка давомида шамоллатилади. Ушбу тадбирлар ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассиси тавсияси асосида олиб борилади.

Иссиқхона тупроғида кўпинча турли касаллуклар қўзғатувчилар ва зараркундадар тўпланиб қолади. Шу туфайли унча катта бўлмаган тупроқли иссиқхоналарда ҳар йили тупроқ аралашмасининг маълум қисми, 5-7 йилда эса бир марта тўла алмаштирилади.

Йирик иссиқхона комплексларида тупроқни тўла алмаштириш иқтисодий нуқтаи-назардан ўзини оқламайди. Шунинг учун улардаги тупроқ-жинслардан алмаштирилмасдан муттасип фойдаланилади. Лекин, бундай иссиқхоналарда тупроқ қоплами ҳар йили кимёвий ёки термик (иссиқ буғ) усулда зараркундадардан тозаланади. Бундай ишларни маҳсус ўсимликлар ҳимояси ёки муҳандислик хизмати бажаради.

ҚРда ҳозирча бундай ишлар кўлланилмайди, чунки Республикада йирик иссиқхона комбинатлари ва маҳсус хизматлар йўқ. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида бўлгани каби, бу ерда ҳам тупроқ ҳамда иссиқхоналарнинг барча қисмларини зарарсизлантиришининг энг яхши усули - уларни июлда ёзги қуёш нурлари билан қиздиришдир. Бунинг учун тупроқ шудгорланади, иншоот эса маҳсус эритмалар билан дезинфекция қилиниб, 2-3 кун давомида зич беркитилиб қўйилади.

Иссиқхоналардаги тупроқ-грунтлар дезифекция қилингандан сўнг, уларга органик ва менирал ўғитлар, ерни юмшатувчи материаллар олиб кирилади. Улар тупроқ юзасида бир текис тақсимланиб, сўнг аралаштирилади. Иссиқхонага кирадиган барча транспорт воситаларининг ғилдираклари дезинфекция қилинади.

Қишики иссиқхоналарни ишга тайёрлаш симли тутқиҷларни, ўсимликларни режалаштирилаётган жойлашириш схемаси, қаторлар маркировкаси ёки енгил қўл маркерларига мос ҳолда жойлашириш ҳамда кўчат ўтқазишдан 1-2 кун олдин бажариладиган суғориш ишлари билан якунланади.

1.3. ТУПРОҚ ГРУНТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Тупроқли иссиқхоналардаги тупроқ аралашмалари қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур. Улардаги мухитнинг оптималь нисбатлари (ҳажмнинг 20-30 % - қаттиқ, 40-50 % - суюқ, 30-35 % - газсимон), умумий бўшлиқлар – 70-80 % ва сув билан тўлдириладиган капилляр бўшлиқлар – 40-50 %, органик моддалар – 30 %, намлик сифими – 40-55 %, ҳаво сифими – 25-30 % оралиқларда бўлиши керак. Бир килограмм тупроқдаги ҳаракатланувчи шаклларнинг энг катта миқдорлари – азот учун 40-60, фосфор учун – 120-130, калий учун – 160-240 мг, тупроқ эритмаси концентрацияси 3 г/л дан ортмаслиги керак. Бунда энг мақбул физикхусусиятлар, жумладан биримнинг зичлиги 0,4-0,6 г/см³, реакция мухити эса, яъни pH=6,2-6,6 оралиқда бўлиши лозим. Улар токсик аралашмалар ва инфекциялардан ҳоли бўлиши зарур. ҚРнинг шимолий ва бошқа районларида иссиқхоналарни бевосита дала шароитидаги қоплама тупроқ-грунтларда куриш мумкин. Улардан фойдаланишда қуйидаги таркиблардан бири олинади: 65 % дала тупроғи ва 35 % чиритилган гўнг; 70 % дала тупроғи, 25 % чиритилган гўнг ва 5 % қум.

Мазкур тупроқ аралашмасига ҳажм бирлиги бўйича 20 % миқдорда олдиндан майдалаб, ерга кўмиб қўйилган материаллар (ёғоч қириндиси, шоли кепаги, майда сомон, ғўзанинг майдланган чаноқлари) кўшилади (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал. Қоплама тупроқ аралашмасининг таркиби (фоизда)

Тупроқ компонентлари	A	Б	В
Фовакли ёки дала тупроғи	65	70	60
Чиринди	35	25	35
Қум	-	5	5

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, янгидан қуриладиган иссиқхоналарда дала тупроғидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳар м² юзага 30-40 кг (300-400 т/га) сомонли гўнг ёки чиринди ҳамда 20-30 % ҳажмдаги олдиндан майдалаб кўмиб қўйилган чириндилар аралаштирилади.

Бундай иссиқхоналарда тупроқлар 15-20 йил хизмат қилиши мумкин. Улар учун ҳар йили 15-20 % миқдорда янги тупроқ тайёрланади. Бу тупроқ 5-6 см қалинликдаги сидириб олинган эски тупроқнинг ўрнига солинади. Эски тупроқлар ҳам кўмиб қўйилиб, зарарсизлантирилиб, 2-4 йилдан сўнг қайта ишлатилиши мумкин. Узлуксиз фойдаланиладиган тупроқ аралашмаларига ҳар йили

асосий экинларни экишдан олдин $20\text{-}25 \text{ кг}/\text{м}^2$ миқдорда гўнг солинади. Тупроқ аралашмасининг зичлиги $1,0 \text{ г}/\text{см}^3$ дан ортганда, унга ғоваклантирувчи материаллар солинади.

Ўғитлаш тизимиға сабзавот экинларини экишдан олдин тупроққа ўғит солиш ва ўсимликларни вегетация даврида илдизлари орқали озиқлантириш жараёнлари киради.

ҚРнинг тупроқ аралашмасида органик моддалар миқдори кам ҳамда минерал элементлар билан тўйиниш даражаси меъёрдан оз бўлган шимолий туманлари шароитида тупроқни озиқлантиришда куйидаги миқдорлар тавсия этилади: помидор учун $N - 190\text{-}230$, $P_2O_5 - 230\text{-}450$, $K_2O - 170\text{-}280$, $MgO - 100\text{-}170 \text{ кг}/\text{га}$ ($\text{г}/10 \text{ м}^2$); бодринг учун $N - 84\text{-}168$, $P_2O_5 - 230\text{-}245$, $K_2O - 130\text{-}260$, $MgO - 30\text{-}60 \text{ кг}/\text{га}$ ($\text{г}/10 \text{ м}^2$). Асосий озиқлантиришда минерал ўғитлар шудгорлаш ёки ер текислашдан олдин солинади. Уларни, тўйинтирувчи минерал элементлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда, гўнг билан аралаштириб ҳам солиш мумкин. Бу эса минерал ўғитлар миқдорини камайтириш имконини беради.

Ососий ўғитлашдан сўнг 4-6 ҳафта давомида ўсимликлар илдиздан озиқлантирилмайди. Кейинчалик ўсимликларни илдиздан озиқлантиришда куйидаги ҳолатларга амал қилинади.

Ўсимлик илдизи атрофига солинадиган ўғитнинг умумий миқдори ҳар м^2 га 70 граммдан ортмаслиги зарур, эритманинг умумий концентрацияси эса 0,7 % дан ошмаслиги тавсия этилади. Унинг оптималь концентрацияси 0,15-0,20 % оралиғидадир. Бир марта озиқлантиришда эритманинг сарфи $8 \text{ л}/\text{м}^2$, суғориш давомийлиги эса 10 минут қилиб белгиланади. Куруқ ўғитларни тупроқ юзасига уни юмшатиб солиш, ўсимликтин илдиз тизимиға шакаст етказади. Шу туфайли ўғитни тупроқ юзасига сочмасдан, уни суғориш йўли билан амалга оширган маъқул. Бу усуладиги кейинги ўғитлаш жараёнлари ҳар 10 кунда бир марта амалга оширилади.

Бир марта алмашлаб экиш давомида ўсимликларни озиқлантиришда 1 гектар ерга бодринг учун $300\text{-}350 \text{ кг}$ азот, $450\text{-}500 \text{ кг}$ калий, помидор учун эса $200\text{-}250 \text{ кг}$ азот ва $120\text{-}170 \text{ кг}$ калий солинади.

Ўсимликларни илдиздан озиқлантиришда турли хил органик ўғитлардан фойдаланилади. Улар олдин сувда ачитилиб, ерга солишда сувга куйидаги нисбатларда аралаштирилади: паранда гўнгида 1:10-12, қорамол гўнгида 1:3-5, гўнг шарбатида эса 1:2-4 нисбатлар олинади. Ўсимликларни органик ўғитлаш минерал ўғитлаш билан алмашиниб туриши лозим. Уларнинг би-

ринчиси тупроқни микрофлора ва озиқлантирувчи моддалар билан бойитса, ҳаво – корбанат ангидрид билан, иккинчиси эса енгил ўзлаштириладиган тўйинтирувчи моддалар билан бойитади. Лекин, ўсимликларни органик ўғитлар билан озиқлантириш, тупроққа инфекциялар тушиш хавфини оширади.

Тупроқ ҳарорати пасайганда ёки ўсимлик илдизи қисман шикастланганда, тўйинтирувчи элементлар ўсимлик танасига меъёрдагидек ўтмайди. Бундай ҳолатда уларни баргидан озиқлантириш зарурати юзага келади. Бироқ, бунга жуда берилиб кетмаслик лозим, чунки ўсимлики илдиздан озиқлантирилмаслик баргларнинг тез қаришига олиб келади. Бу усулда, яъни барг орқали озиқлантиришда бодринглар учун 0,3 % ли тўйинтирувчи эритмадан фойдаланилади. Эритманинг 10 литрида 10-12 грамм суперфосфат (сувдаги эритмаси), 10-12 грамм калийнинг фосфоришкарли аралашмаси, 5-7 грамм амиакли силитра ёки мочивена бўлади. Помидорда эса 0,4 % ли тўйинтирувчи эритманинг 10 литри таркибида юқорида санаб ўтилган элементлар, мос равишида, 8-10, 10-15 ва 15 грамм миқдорларда бўлади. Ўсимликларни барглари орқали озиқлантиришни булатли кунларда кундузи, қуёшли кунларда эса тунги соатларда амалга ошириш лозим.

Иссиқхоналарда ҳам очиқ тупроқларда ишлатиладиган минерал ўғитлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ, улардан эритилган ҳолатда фойдаланиш маъқулдир. Охиригина йилларда иссиқхоналарда кўпроқ мураккаб ўғитлар кўпланилмоқда. Уларнинг турли маркаларида (Россиянинг Ақварил, Финландиянинг Кемира Комби, Кемира Универсал ва бошқ.) азот, фосфор, калий ва магний турлича, лекин ўзаро мутаносиб нисбатларда бўлади. Ушбу маркаларнинг кўпчилигига микроэлементлар ҳам мавжуд бўлади. Ўсимликларни илдиздан озиқлантиришда уларнинг сувдаги эритмасидан фойдаланиш маъқул кўрилади. Ўзбекистондаги иссиқхоналар учун сувда эрийдиган мураккаб ва оддий ўғитларнинг кенг ассортиментини чет эл фирмалари етказиб беради. Иссиқхона учун ўғитни танлашда, ўғитнинг фойдаланиладиган маркаларининг барча турларини, улардаги тўйинтирувчи элементларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли нисбатларда аралаштириш ва битта идишда эртиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилади.

1.4. АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Иссиқхонанинг 1 м² юзасидан кам харажат қилган ҳолда олинадиган энг катта ҳосилдорликка ундан фойдаланиш даврини узайтириш, ерда ҳосилдан тұхтаган үсимликтен үзек қолдирмаслық, күчатларни оқилона зичлаشتариш, иссиқхонадаги ҳамда улар орасидаги майдонлардан оқилона фойдаланиш каби йүллар билан еришиләди. Иссиқхонадан фойдаланишда йил давомида әкінларни алмашлаб әкиш ва мазкур жараён кетма-кетлигини тұғыр ташкил этиш ҳам бу борада самарадорликка еришишни таъминлайды.

Алмашлаб әкиш – бу иссиқхонани бир марта ишлатиш мавсумда унда әкінларни әкиш кетма-кетлиги акс эттан схемадир. Мазкур тәдбири агротехник ва ташкилий ишларни ўзаро мос ҳолда олиб боришни ва натижада майдонлардан янада самарали фойдаланишни таъминлайды.

Алмашлаб әкиш маҳсулоттар етказиб беришнинг энг қулай муддатларини күзда тутиши лозим. Бунда әкінларни эрта етиштириш ва улардан бир текис ҳосил олиш күзда тутилади. Алмашлаб әкиш зараркунандалар ва касаллукларга қарши курашиб имконини беради. Бу тәдбири факат биргина ёки бир неча тур әкінларни етиштиришни қамраб олиши мүмкін. Алмашлаб әкиш схемаси ҳар бир иншоот учун алохіда тузилади. Алмашлаб әкишнинг давомийлиги иссиқхонани бир мавсумда ишлатиш даврига мос келади. Лекин, шу нарсани ҳам ҳисобға олиш лозимки, алмашлаб әкиш схемаси 2-3 йил давомида тупроқда зараркунандалар ва касаллуклар манбалары тұпланишининг олдини олишга имкон берадиган бўлсин. Бир әкін тури банд қилган муддат, бир алмашиниш дейилади. Сабзавот әкінларини етиштириш муддатларига боғлиқ ҳолда, қишки-баҳорги, ёзғи-кузги, кузги-қишки ва бошқа алмашлаб әкишлар фарқланади. Әкінларни етиштириш давомийлигиги боғлиқ ҳолда алмашлаб әкиш муддатлары қисқа, узайтирилған ва ўтувчи даврларга бўлиниши мүмкін. Помидор ва бодринг әкінларини қишки-баҳорги қисқа муддатли алмашлаб әкиш энг кўп тарқалган. Бу муддат январдан бошланиб, ёзниң бошларидан тугайди. Шунингдек, августда бошланиб, январда тугайдиган кузги-қишки алмашлаб әкиш ҳам кенг кўлланиләди. Алмашлаб әкишнинг ўтувчи даври августда бошланиб, июнда тугайди. Узайтирилған давр эса октябрдан июнгача давом этади.

ҚРда барча турдаги әкінларни иссиқхоналарда йилнинг исталған вақтларида етиштириш мүмкін. Шу туфайли бу ерда әкінларни иссиқхоналарда етиштириш муддатлары маҳсулот пишиб

етилиши, унинг энг мақбул муддатлари ҳамда үсимликтарнинг исикликка бўлган талаблари билан аниқланади. ҚРда қишки иссиқхоналардан оқилона ва юқори самарадорликда фойдаланиш учун уч марта, яъни кузги-қишки, ўтувчи ва қишки-баҳорги алмашлаб әкиш мақсадга мувофиқидир. Иссиқхоналарда бу турдаги алмашлаб әкишларнинг нисбатлари кузги-қишкида – 60 %, ўтувчи даврда – 40 % ва қишки-баҳоргидага (кузги-қишки ҳосил йиғиб олингач) – 60 % бўлиши лозим.

Таблица 1.4.1.

Культурообороты для зимних обогреваемых теплиц

Алмашлаб әкиш	Экін тури	Экиш муддатлари	Экиш шакли	Якуний муддатлари
1. Бодринг		20-25/VIII	семенами в грунт	Июнь
2. (ўтувчи экін)		20-25/VIII	уруги тупроққа экилади	Июнь
	Бодринг	01/I	5 февраля в горшочках	Июнь
3. (кузги-қишки)		10-15/ VIII	уруги тупроққа экилади	Январнинг охири
4. Помидор		10/VII	10 августа в горшочках	1-5 января
	(қишки-баҳорги)	01/1	5/II да тувакчага экилади	Июнь
5. Помидор		15/VII	10 августа в горшочках	Февраль
	(ўтувчи экін)	15-20/VIII	28-30/IX да тувакчага экилади	Июнь
6. Помидор		05-10/VIII	1 сентября в горшочках	1 декабря
	(кузги-қишки)	10/VII	10/VIII да тувакчага экилади	1-5-январь
7. Бодринг		10-15/VII	10 августа в горшочках	Февраль
	(қишки-баҳорги)	05-10//XII	10/I да тувакчага экилади	Июнь



ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИСИ

2.1. БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НАВЛАРИ

Етилган помидор ўсимлигининг пояси бир нечта шохларда иборат бўлади. Ушбу шохларда барглар ва гул ғунчалари бўлади. Поя новдасининг юқори қисми 6-12 та барглардан сўнг гул ғунчалари билан якунланади.

Ҳар бир новдасида 3-5 тадан барг ва ўсувчи бўғимларга эга бўлган навлар баландликка қараб доимий ўсиб бориш хусусиятига эга бўлиб, улар индентерминантлар деб аталади. Мазкур навларда дастлабки гул ғунчалари 9-12 барглар устида шаклланади, кейингилари эса 2-3 та барглардан сўнг пайдо бўлади. Агар ён новдаларда ўсиб чикувчи бўғимлар бўлмаса, поянинг ўзаги ўсишдан эрта тўхтайди. Кам шохлайдиган, ўсиши чекланган ва гул ғунчалари 1-2 баргдан кейин ёки кетма-кет жойлашадиган навлар дентерминантлар деб номланади.

Ўсиб чиқишдан то биринчи ғунчаларнинг гуллашигача 50-60 кун ўтади. Индентерминант навларда ён новдалар олиб ташланганда, 3-4 та гул ғунчалари бир вақтда гуллайди. Дентерминант навлар бирданига қийғос гуллайди. Уларда гуллашдан ҳосил пишиб етилишигача 35-60 кун ўтади. Ҳосил тугунларининг ранги дастлаб яшил, кейин қўнғирсизон, сўнг пушти, оч қизил ва қизил кўринишларда бўлади. Ҳосил пишиб етилишининг икки, яъни биологик ва техник босқичлари фарқ қиласди. Биологик босқич ҳосил тугунчалари пайдо бўлгандан сўнг 40-45 кундан кейин бошланади. Бунда ҳосилнинг уруғи ўзига хос бўлган ўлчамлар ва кўринишни эгаллайди, ҳосил доналари эса ўзининг

максимал ўлчамларига етишади, лекин, яшил рангда бўлади. Ҳосил рангининг 5-15 кун ичida ўзгариб, қизил тусга кириши, унинг техник жиҳатдан пишганлиги ва истеъмолга тайёрлигидан дарак беради. Ўсимликнинг яшил тусдаги ҳосилини йиғиб олиш ва уни узоқ масофаларга ташиш давомида пишиб етилишини назарда тутиш амалиёти айнан мана шу муддатларга асосланади.

Иссиқхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари кеч кузги ва қиши мавсумларда ёритилганликнинг камайиши, ҳаво нисбий намлигининг юқорилиги, баҳорнинг охири ва ёз ойларида ўта исиб кетиши, касалликлар ва зааркунандаларнинг тез кўпайиши ва ривожланиши, бир марта алмашлаб экиш давомида ташки муҳит шароитидаги ўзгаришларнинг катталиги ва бошқаларда акс этади. Шу туфайли иссиқхоналарга экиладиган помидорларнинг навлари ва гибрилари санаб ўтилган шароитларга яхши мослашган бўлиши лозим.

Узоқ муддатли алмашлаб экишда индентерминант навлар ва гибрилардан фойдаланиш яхши натижа беради. Чунки уларнинг ҳар бир тути 20-25 та гул ғунчалари ҳосил қиласди. Баҳорги иситилмайдиган ва тез ҳосил берадиган иссиқхоналарда дентерминант навлар ва гибрилардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқидир. Уларнинг супер дентерминант навлари ҳам мавжуд бўлиб, асосий поясида 6-7 та баргдан сўнг 2-3 та дастлабки гул ғунчалари, кейингилари эса 1-2 та баргдан сўнг ёки устмайст жойлашган бўлади. Асл дентерминант навларда эса 8-9 та


баргдан сўнг 4-6 та дастлабки гул ғунчалари, кейингилари эса 1-2 та баргдан сўнг жойлашади.

Помидорларнинг *ярим детерминант* навларида дастлабки 7-8 та гул ғунчалари, кейингилари эса 2-3 та баргдан сўнг пайдо бўлади (2.1.1-расм).

Помидорларнинг *индентерминант* навлари узлуксиз ва чекланмаган ўсишда бўлади. Уларнинг гуллаш ва ҳосил тугиш жараёнлари вегетация даврида тўла давом этади. *Детерминант* навлар эса анча тезпишар бўлиб, бирданига тўкин ҳосил беради. Улар нокуляй шароитлар ва касалликларга анча бардошлидир. Мазкур навларнинг камчилиги ҳосил ва ҳосил тугунларининг бир текисда, кетма-кет шаклланмаслигига акс этади. Шунинг учун иссиқхоналарда асосан *индентерминант* ҳамда *ярим детерминант* навлар ва гибриidlар етиштирилади.


ҚР шароитида давлат синовидан ўтган ҳамда районлаштирилган помидор навлари ва гибриidlаридан фойдаланиш анча ишончлидир. 2015 йил учун “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг Давлат реестри”га ҳимояланган тупроқларда экиш учун 122 та на-мунанавлар киритилган. Улардан бутун республика, шу жумладан, ҚР ҳудуди учун 111 та на-мунанавлар районлаштирилган. Улар орасида энг кўп тарқалган гибриidlарга Шарлотта, Буран, Астана, Ламина ва бошқалар киради.

2.1.1-расм. Асосий новдада барглар ва гулғунчаларнинг жойлашиш схемаси. Помидорнинг а) супер дентерминант навлари; б) дентерминант навлари; в) ярим дентерминант навлари.



2.2. ЎСТИРИШНИНГ УМУМИЙ УСУЛЛАРИ

Экиш усуллари. Қишки иссиқхоналарда помидорларни алмашлаб экишнинг барча турларида ўстириш мумкин. Кузги-қишки алмашлаб экишда уларнинг 25-30 кунлик, ўтувчи даврнинг сентябрь ойида 30-40 кунлик ва октябрда эса 40-45 кунлик кўчатларидан фойдаланилади. Алмашлаб экишнинг




кузги-қишки ва ўтувчи даврларыда күчатлар иссиқхонанинг ўзида ўстирилади. Бу билан улар касаллик тарқатувчилардан химояланади. Мазкур алмашлаб экишларда күчатларни 8x8x8 ва 10x10x10 см ўлчамлардаги идишларда ёки тувакчаларда етиштириш мақсадга мувофиқидир.

Күчатларни юқорида қайд этилган идишларда етиштиришда йирик ёки кичик ўлчамдаги тұр тонелли изоляторлардан холос этиш лозим (2.2.1-расм).

Қишки-баҳорғи алмашлаб экишда плёнкалы иссиқхоналарда ўстирилған күчатларнинг 45-50 кунлиғи, ойнали иссиқхоналарда ўстирилғанларнинг эса 60-65 кунлик күчатлари экилади.

Баҳорғи иситилмайдыған плёнкалы иссиқхоналар учун күчатлар қишки иссиқхоналарда тайёрланади. Уларнинг уруғлари январнинг башларыда экилади. Күчатлар, ўлчамлари 10x10x10 см ли идишлардаги гүнгли-чириндили тупроқда, 60



2.2.1-расм. Кузги-қишки мавсумда экиладиган күчатлар етиштирилдиган йирик ўлчамлы тонеллар



2.2.2-расм. Помидор ўсимлигини лентали усулда жойлаштириш


кун давомида етиштирилади. Алмашлаб экишнинг барча турларида ўсимликлар лентали қўшқатор усулида, лентадаги қаторлар (жўяклар) оралиғи 60 см, ленталар оралиғи эса 100 см ли ўлчамларда жойлаштирилади (2.2.2-расм). Қатордаги ўсимликлар орасидаги масофа эса алмашлаб экиш турига ҳамда экиш зичлигига боғлиқидер.

Боғлаш ва уни шакллантириш. Кўчат экилиб, тупроқка яхши ўрнашгандан (10-12 кундан) кейин у тик шпалерларга (каноп иплар – қаторлар устидан 2 м баландликдаги симга тортиб қўйилган) боғлаб қўйилади. Бунда ўсимлик пояси шаклланмаслиги лозим. Шунинг учун каноп ип симга қаттиқ тугун эмас, балки силжувчан боғлам кўринишида боғланади (2.2.3-расм). Ўсимлик пояси шаклланишиб, ўса бошлагач, унинг юқори қисми ҳар хафтада каноп ипга ўраб қўйилади. Ўсимлик бачкилари эса уларнинг узунлиги 5-7 см дан ортмасдан олиб ташланади (2.2.4-расм).

Ўсимликлар шпалерлар симига етгач, у шпалер бўйламаси бўйича ўстирилади. Бунда улар ип билан боғланади ёки илга-

кларга илинади. Бошқача усулда эса ўсимлик симли тутқичга етиб боргач, унинг юқори қисми қуий томон йўналтирилади. Сўнг кўтарилиб, симли шпалерга S шаклидаги илгаклар ёрдамида илиб қўйилади. Узоқ давом этадиган экинларда ва паст шпалерларда эса “ётиқ” деб номланувчи усул қўлланилади. Мазкур усулда, поянинг ўсишига мос равишда, унинг баргсиз қуий қисми маҳсус тўр ёки рейкадан тайёрланган ўриндиқларга жойлаштирилади (2.2.5-расм).

Ўсимликлар шаклланишининг ушбу усулида, улар шпалердаги илгакларга каноп ип билан боғлаб қўйилади. Канопнинг узунлиги пояни жойлаштириш учун маълум заҳира билан олинади. Поянинг ўсишига мос ҳолда каноп ипнинг заҳира қисми илгакка ўралади ва новданинг баргсиз қисми пасайтириб қўйилади. Кўпгина иссиқхоналар алмашлаб экишнинг ўтувчи турида ўсимлик шаклланишининг мазкур усули қўлланилади. Бунда ўсимлик пояси қаторлар оралиғидаги юзада олинган жўякка ётқизилиб, устидан тупроқ сепилади.



2.2.3-расм. Каноп ипни симли шпалерга боғлаш усуллари



2.2.4-расм. Помидор бачкилари

Яримдетерминант навлар ва гибридлар бирмунча бошқача күринишда шаклланади. Экинни етиштириш усули ва ўсимликларнинг ривожланиш жадаллилига боғлиқ ҳолда, уларда бир нечта калталанган ён новдаларда (2-3 та ўсимта) бачилар қолдирилади (2.2.6-расм). Ўсимликлар ўсишининг бошланғич босқичларида, оптималь асимиляцияни таъмин-

лаш учун барча баргларни қолдириш зарур. Баргларни олиб ташлаш ҳосилнинг биринчи теримидан олдин бошланади.


Олинадиган барглар сони шундай бўлиши керакки, натижада пишган ҳосил кўриниб турсин. Ўсимликнинг юза (ташқи), яъни йўлак томонидаги барглари олинади. Баргларни кўплаб олиб ташлаш мумкин эмас. Ўсимлик шохларидаги соғлом яшил баргларнинг мавжудлиги юқори сифатли ҳосил олишнинг энг яхши кафолатидир.


Ҳосил шаклланишини жадаллаштириш. Чангланиш жараёнини яхшилаш ва чанг заррачаларининг гуллар оғизчаларига тушишини таъминлаш мақсадида ўсимлик ва унинг гуллари электр титраткичлар ёрдамида ҳаракатлантирилади ёки сим шпалерларга таёқ билан урилади.

Ушбу тадбирлар эрталабки соатларда, лекин ҳавонинг нисбий намлиги камайгандан кейин ҳафтасига камида уч марта ўtkазилади. Бунда чанг заррачаларининг сочиувчанилиги таъминланади.

Ўсимлик ҳосили шаклланишини яхшилаш мақсадида, унинг ўсиши ва ҳосили пайдо бўлишини тезлаштирувчи маҳсус стимуляторлар кўлланилади. Улар билан ишлов берилганда, ургусиз помидор тугуллари ҳам ҳосил бўлади. Бундай мевалар бошқаларидан чўзинчоқлигиги билан ажралиб туради.

Кўпчилик давлатларда ўсимлик ўсишини бошқаруб турадиган хилма-хил стиму-





2.2.6-расм. Яримдетерминант навли помидор ўсимлиги поясининг заҳира новдалар ҳисобига шаклланиш схемаси: 1-ўсимликнинг юқори қисмидаги заҳира наевдалар; 2- заҳира новдадан шаклланган ўсимлик пояси

ляторлар ишлаб чиқарилади. Уларни қўллаш усуллари қадоқлаш идишларида қайд этилган бўлади.

Зааркунандалар ва касалликларга қарши кураш. Помидор етишириладиган иссиқхоналарда кўпинча иссиқхона оққаноти (капалак), ўргимчак, занг касалини келтириб чиқарадиган жўлак, итузум пашласи ва бошқалар учрайди. Помидор экилган иссиқхоналарда оққанотга қарши зарғалдоқ - тўқ сарик рангли ленталар жойлаштирилади. Оққанотга қарши кимёвий воситалардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Бу усулда аплаудининг 25 % ли эритмаси 0,5 кг/га дозада, дециснинг 10 % эритмаси 0,1 кг/га дозада, моспиланнинг 20% ли эритмаси эса 0,25-0,30 кг/га дозада сепилади. Чириш, трипс ва каналарга қарши 0,4-0,8 кг/га актару, 3,0-5,0 кг/га актелик, вертимекснинг 1,8 % эритмаси 0,1-0,2 кг/га, толстарнинг 10 % эритмаси 0,4 кг/га дозаларда сепилади. Жўлак ва трепсларга қарши - ёввойи фитоселус жўлаги, чиришга қарши - тиллакўнғиз, оққанотга қарши эса асерсон каби биологик воситалар қўлланилади. Иссиқхоналарда зааркунандалар тарқалишини камайтириш

мақсадида феромон тутқичларидан ҳам фойдаланилади (2.2.7-расм).

ҚР шароитидаги иссиқхоналарда етишириладиган помидорлар замбруғли, бактериал ва вирусли касалликларга ҳам учрайди.

Кимёвий воситалар шикастланиш хавфи кескин органдаги на кўлланилади. Шикастланиш ўчоқлари қанча эрта аниқланса, уларни бартараф этиш имкониятлари ҳам шунча ортади. Иссиқхоналарга тўла ишлов бериш эса ўта тифиз вазиятлардагина амалга оширилади. Зааркунандалар ва касалликларга учраган ўчоқлар аниқланганда, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассисларга мурожаат этиш лозим ва улар томонидан тавсия этилган ишлов усулларини қўллаш зарур бўлади.



2.2.7-расм. Зааркунандалар тарқалишидан сақлайдиган феромон тутқичлар

2.3. ТУРЛИ МАВСУМЛАРДА ПОМИДОР ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кузги-қишки мавсум. Алмашлаб экишнинг ушбу турида помидор ҳосили ноябрда пишиб етила бошлади. Бу очик - табиий ҳолатда етиштириладиган помидор ҳосилининг тугаш даврига тўғри келади. Шу туфайли ҚР шароитида қишки иссиқхоналарда кўчатни августнинг охирида ўтказиш энг яхши муддат ҳисобланади. Кузги-қишки экиш даври январнинг бошида тугайди.

Ушбу турдаги алмашлаб экишда ярим детерминант навларидан фойдаланилади. Бунда ўсимлик озиқланадиган майдон қишки-баҳоргига нисбатан бир мунча кичик бўлиши лозим. Кўчат экишнинг иккита схемаси кўпланилади: Бир қаторлида кўчатлар оралиғи 70×35 ёки 80×30 см ва икки қаторлида эса $\frac{80+80}{2}\times30$ см ўлчамларда бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам 1 м^2 юзага 4 дона ўсимлик кўчти тўғри келади. Помидор кўчатлари баландилиги 30-40 см ли қаторларга экилиб, жўяклар ёрдамида сугорилади.

Кузги-қишки алмашлаб экишнинг бошланишида ҳароратнинг ортиши алоҳида кузатилади, бунда ҳароратнинг $30\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан кўтарилишига йўл кўймаслик керак. Исиб кетишдан сақланиш учун иссиқхона томи оқланади. Иссиқхонада ҳаво ҳарорати октябрь-ноябр ойларида, қуёшли кунларда $25-28\text{ }^{\circ}\text{C}$, булутли кунларда – $18-20\text{ }^{\circ}\text{C}$, тунги соатларда эса $16-18\text{ }^{\circ}\text{C}$ оралигига бўлиши лозим. Тупроқ ҳарорати $15-17\text{ }^{\circ}\text{C}$ оралиқда сақланади. Декабрь ойида, кун қисқариши ва унинг оқибатида табиий ёруғликнинг камайишини ҳисобга олиб, иссиқхонадаги ҳарорат кундуз кунлари аста-секин $18-20\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача, кечаси эса $15-16\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача пасайтирилади. Ҳавонинг нисбий намлиги иложи борича энг кичик қийматларда, аниқроғи 60 % дан катта бўлмаслиги керак. Қатор оралари 2-3 марта юмшатилади, ўсимлик эса чопикдан чиқарилади.

Август-сентябрь ойларида ўсимликни суғориш тез-тез тақрорланади, лекин, кейинчалик ойига 2-3 марта гача камайтирилади. Бироқ, бунда тупроқнинг намлиги 70 % дан камайиб кетмаслиги керак.

Ҳосилни йиғиб олиш ноябрнинг ўрталарида бошланиб, январнинг ўрталарида тугайди. Охирги муддатларда ҳам пишиб етилмаган ҳосил бўлса, ўсимлик илдизи билан суғуриб олиниб, осиб қўйилади ва бу билан ҳосилнинг етилишига шароит яратилади.

Қишки-баҳорги мавсум. Ўзбекистонда помидорни алмашлаб экишнинг бу тури кузги-қишки бодринг ўрнида амалга оширилади. Мазкур турда бошқа турларда экиладиган барча навларни кўллаш мумкин.

Помидорнинг 50-55 кунлик кўчатларини экишнинг энг мақбул муддатлари декабрнинг охири ва январнинг биринчи ярмига тўғри келади. Кўчат етиштириш учун ургуни тупроқка $10-15$ ноябрда экиш зарур. Униб чиқсан кўчатлар гўнг ва чиринди аралашмаси солинган $8\times8\times8$ дан $14\times14\times14$ см ўлчамлардаги идишлар ёки тувакчаларга кўчириб ўтказилади ёки уруғ уларга тўғридан-тўғри экилиши ҳам мумкин (2.3.1-расм).

Мазкур мавсумда экишда ўсимликлар анча катта тўйиниш майдонларига эга бўлади.

Кўчатлар экилгач, улар $23-25\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги сув билан сугорилади. Иссиқхонада, ёруғликнинг кам бўлиши шароитида, ҳосил туғиши бошлангунча, ҳарорат кундузи қуёшли кунларда $22-24\text{ }^{\circ}\text{C}$, булутли кунларда – $18-20\text{ }^{\circ}\text{C}$, кечаси эса $16-17\text{ }^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Ҳосил тўлиша бошлаши ва ёруғликнинг ортиб



2.3.1-расм. Тувакчаларда етиштирилган помидор кўчатлари

бориши билан ҳарорат кундузи, қүёшли кунларда 24-26 °С гача, булутли кунларда – 20-22 °С гача, кечаси – 17-18 °С гача күтарилиши мумкин. Баҳорги-ёзги даврда ҳароратнинг 32 °С дан ортиб кетиши помидор учун жуда хавфлидир.

Мазкур ҳолатларда вентиляция кучайтирилади ва тетиклантирувчи сугориш амалга оширилади, баъзан соя берувчи тўрлардан фойдаланилади. Натижада ҳавонининг нисбий намлиги 60-70 %, тупроқнинг оптимал намлиги эса 75-80 % атрофида сақлаб турилади. Қиши вақтларида сугориш ҳар 6-8 кунда ўтказилади. Бунда 5-7 л/м² меъёрга амал қилинади. Қүёшли кунлар бошланиши билан сугориш муддатлари оралиги қисқартириб борилади. Май ва июнь ойларида сугориш ишлари ҳар 2-3 кунда, 10-12 л/м² меъёрга амал қилган ҳолда, ўтказилади. Ҳар бир сугоришдан сўнг иссиқхона шамоллатилади. Агар намлик бир хил бўлмаса ёки у етишмаса, помидор гуллари ва боғламалари тўкилиб кетади, ҳосил ёрилиб, унинг учидан чириш бошланади.

Қишки-баҳорги экишда ўсимликлар тез ўсади ва ривожланади. Шунинг учун тупроқ тўйинтирувчи элементларга бой бўлиши керак. Ўсимликнинг кучли тўйиниши асосан март-май ойларида бўлиши лозим. Уларни илдииздан озиқлантириш ҳар 10-12 кунда, тупроқдан озиқлантириш эса 25-30 кунда амалга оширилиди.

Бундан ташқари, қишки-баҳорги экишда ўсимликларни парваришилаш, уларнинг чангланишини яхшилаш мақсадида, шоҳларини тебрантириб ёки силкитиб қўйишни, тупроқни юмшатишни, заараркунадалар ва касалликларга қарши курашни ва бошқаларни қамраб олади. Ўсимликлар ўзларига ажратилган майдонларни бирданига эгаллаб олмайди. Бундан фойдаланиб, қаторлар оралиқларига редиска ва бошқа тезпишар кўкат экинларини экиш ва шу йўл билан ердан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишки-кузги экилган помидорлар, кўчат экилгандан сўнг, тахминан икки ойдан кейин ҳосил бера бошлайди. Улар тўла пишиб етилмасдан, қўнғир-сарпқ ранглигига териб олинади. Ҳосил баҳор вақтларида ҳар 2-3 кунда, ёзда эса ҳар куни териб олинади. Ҳосилни териш жараённида улар бир йўла сараланади.

Ўтувчи мавсум. Экишнинг бу турида 30-40 кунлик кўчат сенятарь ойининг иккинчи ярмида тупроққа ўтказилади. Экин экиш келгуси йилнинг июнигача давом этади. Ҳосилни териб олиш декабрнинг дастлабки кунларидан бошланади.



2.3.2-расм. Соя берувчи тўрларнинг кўриниши

Бу экиш тури учун индетерминант навлар ва гибридлардан фойдаланилади. Баъзан иссиқхона хўжалиги кўчатларни экишни бир мунча кечроқ – октябрнинг иккинчи ярмида амалга оширади. Лекин, бундай ҳолатларда анча етилиб қолган 50-55 кунлик кўчатлардан фойдаланилади. Шунда ҳосилни териб олиш Янги йил байрами арафасида бошланади.

Помидор ўсимлиги куздаёқ ҳосил туга бошлайди ва бу жараён узлуксиз равишда қишида ҳам давом этиб, ёзгача чўзилади.

Кузги-қишки экиш давридаги каби, ўтиш даврида ҳам ўсимликлар декабрь ва январь ойларидағи ҳосилни кузги даврда тўпланган озуқаларни ассимляция қилиш ҳисобига беради. Ўтиш давридаги экинларнинг асосий мақсади - улардан қиш ойларида ҳосил олишдир. Ҳосилдорлик учча катта бўлмасада, бундай экиш тури амалётда кенг кўлланилади, чунки нисбатан оз туйилган ҳосил юкори нархларда сотилади.

Бошқа экиш турларига қараганда, ўсимликларда тўйиниш майдони катта бўлади. Бу турда ернинг 1 м² юзасига ўртacha 2,5-2,7 туп кўчат экилади. Экишда қаторлар ёки кўш қаторли лента усувлари кўлланилади. Уларнинг иккинчисида кўчатлар 80x40-

50 см ёки $\frac{80+80}{2} \times 40 = 50$ см ўлчамларда экилади.

Мазкур экиш турида ўсимлик ягона пояни шакллантиради. Экиннинг ривожланиш жараёни июннинг охирида тугайди. Бу вақт мобайннода ўсимлиқда 20 тагача ва баъзан ундан ҳам кўп шоҳлар пайдо бўлади. Январнинг ўртасида ўсимлик ўсиб, сим шпалергача етиб боради. Бу вақтда улар симдан ажратиб олиниб, поянинг баргсиз қисми тахтачалар устига ёки тўғридан-тўғри тупроқка ётқизилади. Кўпинча поя туширилгач, унинг устига тупроқ сепилади. Айни пайтда поя туширилиб, лентадаги ўсимликларнинг ўрни “+” шаклида ўзаро ўзгартирилади ва уларнинг ҳар бири бошқа-бошқа илларга боғланади. Поянинг қаторлар орасига жойлаштирилган баргсиз қисми тупроқ билан кўмилади. Натижада ўсимликлар янги илдизлар ҳосил қилади ва ўсиш жараёнлари учун қўшимча кувват олади.

Ўсимликларни февралнинг бошларигача парваришлаш, кузги-қишки экиш тури билан мос келади. Иссикхоналарда февраль-март ойларида ҳароратни бироз кўтариб, уларни озиқлантириш ва суғориш ишлари кучайтирилади, иссиқхона ҳавоси карбонат ангидрид гази билан бойитилади. Экинларни озиқлантириш, улар пишиб етилишидан 1,0-1,5 ой олдин тўхтатилади.

Баҳорги-ёзги мавсум. ҚРда помидорлар баҳорги-ёзги экиш турида иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда етиштирилади. Бунда уларнинг детерминант навлари ва гибридларидан фойдаланилгани маъқул. Ушбу навлар ва гибридлар эрта ҳосил бера бошлайди ва қисқа вақт давомида ёппасига пишиб етилади.

Кўчатлар мартнинг ўрталарида экилиб, унинг ҳосили апрелнинг охирги ўн кунлигига пишиб етила бошлайди. Ҳосилнинг катта қисми май-июннинг биринчи ярмида териб олинади. Ҳосилни йигиб олиш июннинг охирида якунланади.

Плёнкали иссиқхоналарда кўчатлар тупроққа қаторлар усулида, 70x35-40 см ўлчамларда ёки кўш қаторли лента усулида экилади. Бунда ленталар орасидаги масофа 80-90 см, лентадаги қаторчалар ораси – 50-60 см, қаторчалар оралиғи эса 20-25 см бўлади. Бир туп помидор бир ёки икки пояни ҳосил қиласди. Плёнкали иссиқхоналарда ўсимликларни парваришлаш тадбирлари ҳароратни кундуз кунлари 25-27 °C, кечкурунлари 14-16 °C ва ҳаво намлигини, вентиляция ёрдамида, 60-70 % атрофида сақлаб туришни, ўз вақтида суғориш ва озиқлантиришни, ерни 3-4 марта юмшатишини зараркунандалар ва касалликларга қарши курашиш ва бошқаларни қамраб олади..



БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИСИ

3.1. БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НАВЛАРИ

Бодрингнинг тезпишар навлари 30-40 кундан сўнг, ўртапишар ва кечпишар навлари эса 45-70 кундан кейин гуллайди. Найчалар ҳосил бўлгандан сўнг, бодрингнинг техник пишиб етилиши тезпишар навларда 8-10 кундан сўнг, ўртапишар ва кечпишар навларида эса 11-12 кундан кейин кузатилади.

Бодрингнинг иссиқхоналар учун мўлжалланган навлари ва гибридлари уларни шпалерларда етиштиришга, юқори ҳаво нағлигига ва кундузги ҳамда тунги ҳароратларнинг катта фарқига, кам миқдордаги ёруғликка мослашаган. Шунингдек, бу навлар юқори ҳосилдорлик имкониятига эга бўлиш билан бирга, уларда ҳосил бериш жараёни узоқ давом этади. Улар ҳар бир бўғимда бир нечта найча ҳосил қилади. Мазкур навлар ва гибридлар янгилигига истеъмол қилишга мўлжалланган бўлиб, аччиқ таъмлардан холосдиди.

Бодрингнинг партенокорпик навлари чангланмасдан ҳосил беради. Шунингдек, уларни маҳсулот сифатида узоқ саклаш имконияти мавжуд бўлиб, бу ҳолат ҳосилни териб олиш муддатлари оралиқларини узайтиради.

Ушбу гибридлардан сабзавотчиликка мўлжалланган иссиқхоналарда кенг фойдаланилади (3.1.1-расм). Уларнинг асаларилар ёрдамида чанглантириладиган навлари ҳам мавжуд. Гуллаш хусусиятларига кўра, партенокорпик гибридлар тўлалигича ёки аксариат ҳоллларда аёллик типига мансубдир.

Уларни иссиқхоналарда етиштиришда, асосан, ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган маҳсус гетерозис гибридларнинг биринчи авлодидан фойдаланилади. Шунингдек, бодрингларнинг йил давомида етиштириладиган, баҳорги-ёзги даврларда ҳамда қишики-баҳорги ва ўтувчи даврларда экиладиган навлари ва ги-

бридлари ўзаро фарқланади. Улар қиши ойларининг қисқа давом этадиган кундузги кунларига ва кам ёруғликқа мослаштирилган.

Қишики-баҳорги экишда ўсимликлар баҳорда қишдагига нисбатан тез ўсади ва шохлайди, натижада уларни шакллантириш харажатлари ортади. Шу туфайли экинларнинг ушбу навлари учун шохланишининг табиий бошқарилиши ҳос ва бу жараён мухимдир.

Битта иссиқхонада бир вақтнинг ўзида бодрингнинг партенокарпик ва асаларилар чанглатадиган навларини экиш тавсия этилмайди. Чунки, асаларилар дарчалардан учеб кириб, гуллар-



3.1.1-расм. Партенокарпик бодринг дурагайининг гули

ни чанглатади, ностандарт ҳосилни кўпайтиради (ҳосил учиди бўртиб чиккан “урӯғ каллачаси” шаклланади).

Бодринг гибридларини танлашда, дастлаб, уларнинг асалари билан чанглатилиши ёки партенокарпиклигига эътибор қаратиш лозим. Иссикхоналар учун албатта партенокарпик навларни танлаш тавсия этилади, чунки уларда ҳосилнинг шаклланиши чанглатувчи ҳашоратларга боғлиқ бўлмайди.

Асаларилар билан чанглатиладиган гибридлар орасида аёллик типига мансублари аралаш типида гуллайдиган навларга нисбатан серҳосил бўлади. Лекин, чангланиш сифатини ошириш учун уларга 10 % атрофида ўзи чангланадиганларни ҳам экиш керак.

2015 йил учун “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг Давлат реестри”га ҳимояланган тупроқларда экиш учун бодрингларнинг 80 хил намуна навлари киритилган. Улардан ҚР ҳудуди учун 69 та намуна навлар районлаштирилган. Улар орасида биттаси мамлакатимизда этиштирилган Серсув-14 нави ва учтаси - Навбаҳор, ТошДАУ-70 ва Совға гетерозис гибридлардир.

Ҳозирги кунда гибридларнинг жуда калта (10-12 см) ҳосилли навлари кенг тарқалган. Улар тезпишарлиги ҳамда бир бўғимда бир нечта найчалар тугуши билан бошқалардан ажралиб туради. Иссикхоналарда экиладиганлар орасида куйидаги F₁ гибридлар кўпроқ тарқалган: кузги-қишки экишда – Кураж, Магнум, Амур; ўтвучи экиш даврида – Магнум, Орзу; қишки-баҳорги экишда – Орзу, Кураж, Артист, Роки, Мультистар. Булардан Кураж F₁ районлаштирилмаган, қолганлари районлаштирилган.

3.2. ЕТИШТИРИШНИНГ УМУМИЙ УСУЛЛАРИ

Урӯғ ва кўчат экиш усуллари. Қишки иссиқхоналарда бодринглар барча экиш турларида этиштирилади. Кузги-қишки этиштиришда унинг уруғи иссиқхонадаги тупроққа экилади. Мазкур тур учун кўчатлар ҳам бодринг учун мўлжалланган иссиқхоналарда этиштирилади. Кўчатлар ўлчамлари 8x8 ва 12x12 см бўлган туvakчалар ёки идишларда этиштирилади (3.2.1-расм).

Ушбу турдаги экиш учун кўчат этиштиришда ҳаво ҳарорати жуда юкори бўлади, шунинг учун уни бошқариш анча мурakkабdir. Тувакчалар ва идишлардаги намлиқ 75-80 %, ҳавонинг нисбий намлиги эса 80-90 % оралиқда ушлаб туриласди. Ўтвучи экиш даврида уруғни тувакчаларга экишнинг энг мақбул муддади.

ти октябрнинг боши бўлса, кўчатларни тупроққа ўтқазиши эса ноябрнинг бошларида амалга оширган маъқул. ҚР шароитида баҳорги иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналардан фойдаланиш мартнинг бошида йўлга кўйилади.

Баҳорги плёнкали иссиқхоналар учун уруғни экишга тайёрлаш ва кўчатни этиштириш усуслари қишки иссиқхонолардаги билан бир хил бўлади, лекин уруғ ва кўчат, албатта, тупроққа кўмиб экилади.

Ўсимликнинг шаклланиши ва уни боғлаш. Иссикхоналарда бодринглар экишнинг барча турларида тик - вертикал шпаллерларда этиштирилади. Бодринг кўчати экилгандан 3-4 кундан кейин (урӯғ тупроққа экилганда эса 3-4 та барг ҳосил бўлгач), ўсимлик памидордаги каби каноп ип билан сим шпаллерларга боғланади.

Партенокарпик гибридларни этиштиришда оралиғи 1,6 м бўлган ҳар бир қаторнинг устида баландликлар оралиғи 50 см дан бўлган иккита горизантал сим шпаллерлар тортилади. Ўсимлик шохлари ўнг ва чап шпаллерларга оралатиб боғланади. Натижада боғланган ўсимликлар V шаклидаги қаторни ҳосил қиласди. Кейинчалик ўсимлик ҳафтасига камида бир марта каноп ипга ўралади, ўсимликнинг уни эса эркин ҳолатда қолдирилади.




3.2.1-расм. Бодринг кўчатларини тувақчаларда этиштириш

Бодринг ўсимлигини парваришлашда унинг поясини шакллантириш энг асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Бодрингнинг асаларилар ёрдамида чанглатиладиган навлари ва гибридларининг марказий бўғимларида кўпроқ эркаклик типидаги, ён бўғимларда эса аёллик типидаги гуллар ҳосил бўлади. Уларнинг шаклланиш жараёнида, 3-4 баргалардан юқоридаги аёллик типидаги гулларнинг ғунчалари ва ён новдалар олиб ташланади, бу тадбир 2-3 марта такрорланади. Поянинг ярим баландлигига шаклланган кичик новдачалар иккинчи баргдан сўнг, юқоридагилари эса учинчи баргдан сўнг боғлаб қўйилади. Ҳосил беруб бўлган, эски ва касал новдачалар пояга тақаб кесиб ташланади. Марказий новданинг уни сим шпаллергача тортилиб, боғлаб қўйилади. Унинг ўсиб чиқкан қисми сим шпаллерга ўраб қўйилади, 1-2 та энг юқори ён новдалари эса осилтириб қўйилади. Улар ҳам кей-

инчалик жўяқдан 1 м баландлиқда шпаллерга боғлаб қўйилади (3.2.2-расм.).

Ён новдаларнинг шпаллерлар устидаги биринчи-иккинчи бўғимларидаги барглар олиб ташланади. Шунда улар асосий поядаги баргларни тўсив қўймайди. Худди шу каби охирги барг бандидаги новдалар ҳам олиб ташланади, чунки улар кўшни пояларга соя беради. Ёнма-ён жойлашган ўсимликларнинг ўртасида жойлашган кўшни баргларнинг иккита бандларидаги новдалардан бири қолдирилади. Бу тадбир ёруғлиқдан унумли фойдаланишга имкон беради.

Қолдирилган новдалар ҳар 50 см дан кейин, улардан шаклланган янги новдалар эса иккинчи баргидан сўнг илгакларга илиб қўйилади.




3.2.2-расм. Асаларилар ёрдамида чангланадиган гибридлар ўсимликларининг шаклланиши:
а- асосан аёллик типидаги гуллаш; б-аёллик типидаги гуллаш; в-аралаш типидаги гуллаш.

Йил давомида фойдаланиладиган ўсимликларда 2-тартибли ён новдалар ҳам қолдирилади. Улар 1- ёки 2- барглардан кейин илип қўйилади.

Узун ҳосилли партенокарпик гибридларни қишки-баҳорги экишда улардаги асосий палакнинг 50-60 см (8 та бўғим) гача қисмида барглари бандлари ёнидан ўсиб чиқсан ғунчалар ва шохчалар олиб ташланади, яъни ёруғлик тушишига имкон берилади. Кейинги 4- ёки 5- барглар бандлари ёнидан чиқсан ён новдалар қолдирилади ва улар 1-баргидан кейинги қисмидан илип қўйилади. Барглар бандлари ёнидан чиқсан аёллик типидаги ғунчалар олиб ташланади. Асосий новданинг 1,5-1,7 м баландликларидаги 5- ёки 6- барглари бандларида ҳосил шаклланмаса, улардан ўсиб чиқсан кичик новдачалар олиб ташланмайди, балки, улар 2- баргларидан юқорида, ҳар бирда иккитадан бўғим қолдирилиб, каноп илга боғлаб қўйилади. Улардан юқоридаги, шпллерларгача бўлган кичик новдачалар ҳам 3-4 – барглар устидан, 3-4 та бўғим қолдирилиб, илип қўйилади. Қуви ярусдаги иккинчи тартибли новдачалар қирқиб ташланади, ўрта ярусадигилар эса биринчи баргдан кейин бир бўғим қолдирилиб, илип қўйилади. Юқори яруса эса, иккинчи тартибли новдачаларнинг иккинчи баргидан сўнг иккита бўғим қолдирилиб, илип қўйилади (3.2.3-расм).

Бодрингнинг асосий поясида, ёруғлиқдан баҳраманд бўлиш даражасига боғлиқ ҳолда, 4-6 тадан ҳосил шакллантирилади. Асосий новда баргларининг бандлари ёнидан чиқсан бачкилар олиб ташланади, найчалари қолдирилади.

Ўсимликлар новдаларининг шпллерлардан юқоридаги учлари 3-5 – баргларидан кейинги қисмida илип қўйилади ёки улар бир томонга эгилиб, симга ўраб қўйилади ҳамда пояни букилиб қолишдан саклаш учун 8 лик усуlda мустаҳкам боғланади. 2-3 – юқори баргларнинг бўғимларида бачкилар қолдирилади ва улар пастга қараб йўналтирилади. Бачкилардан шаклланган новдалар кетма-кет, икки марта, ҳар 50 смда илип қўйилади. Бунда тупроқдан 1 м гача бўлган баландликдаги новдалар қолдирилади. Кейинчалик, ҳосил шаклланиш даврида кичик новдачалар юқори қисмидан шпллерга илип қўйилади. Мазкур ҳолатда уларнинг ўсиши жўякларнинг ички томонига қараб йўналтирилади ва бу билан ўзаро қўшни жойлашган шпллерлар оралиқларининг очик бўлишига эришилади. Айни бир вақтда, эрталабки соатларда ҳосилли бачкилар қирқиб олинади.



3.2.3-расм. Қишки-баҳорги экишда партенокарпик бодринг ўсимлигининг шаклланиши: а- асосан аёллик типидаги гуллаш (см ўлчамларда), биринчи ва иккинчи новдалар; б-аёллик типидаги гуллаш.

Баҳорги-ёзги экишда, бодрингнинг партенокарпик гибридлари ўсимлигининг ҳосил бўлиши жараёнида, ёруғлик тушиши учун, асосий поянинг 3-4 та бўғимлари барглардан тўлалигича очиб қўйилади. Кейинги бўғимлардаги ён новдалар эса 2-3 – барглардан сўнг илип қўйилади. Шпллер устидаги асосий поя эса 3-4 – баргидан кейин илгакка илип қўйилади.

Асосий поянинг юқори қисмидан 1-2 та новдалар тушириб қўйилади. Улар тупроқдан 1 м баландликкача, новдалар

қолдирилган ҳолда давом эттирилиб, ҳар 50 см да шпаллерга илиб қўйилади (3.2.4-расм).


Баҳорги иссиқоналарда қисқа муддатли экишда ўсимликларнинг уни бир мунча бошқача шакллантирилади. Асосий новда шпаллердан юқорида, 5-6 – баргдан кейин яхшилаб боғланади. Юқори бўғимлардаги ён новдаларни туширмаса ҳам бўлади.

Кузги-қишки экишда, бодрингнинг калта ҳосилли партенокарпик гибридлари ўсимлигининг шаклланиш жараёнида асосий новданинг 4-5 – қуий бўғимлари баргдан тозаланади. Кейинги 2-4 – барглар бандларидан чиқкан ён новдалар эса 1-2 – барглардан сўнг боғланади, улардан юқоридаги баргларнинг бандларидан чиққанлари эса 2 та баргдан сўнг илгакка илиб қўйилади. Асосий


новданинг учлари сим шпалерга ўраб қўйилади ва илгакка илинади (3.2.5-расм).

Узун ҳосилли партенокарпик гибридлри ўсимликларда асосий поянинг 40 смгача баландлигидаги барглар бандидан чиқсан ўрам толалари олиб ташланади. Худди шу каби унинг 90 см баландлигигача ўсиб чиқсан ён новдалари ҳам қирқиб олинади. Шундан кейинги баландликдаги ён новдалар бир боғламга илинади. Асосий поянинг уни 3 бўғимдан юқорида сим шпалерга илиб қўйилади.

Ўсимликларни парваришлашда эски баргаларни олиб ташлаш асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Сўлиб бораётган барглар – касаллик ўчоғидир. Улар ўтқир пичноқ ёки ток қайчи билан пояга тақаб, бўртма қолдирилмасдан қирқилиши лозим. Сўлиб



3.2.4-расм. Баҳорги-ёзги экишда бо-
дрингнинг партенокарпик дурагайлари
ўсимлигининг шаклланиши



3.2.5-расм. Кузги-қишки экишда бо-
дрингнинг калта ҳосилли партенокар-
пик дурагайларининг шаклланиши

бораётган барглар, ўсимлик боғламалари ва осилма толалари доимий равишда олиб ташланиши лозим.

Зааркунандалар ва касалликлар билан курашиш. Иссикхоналарни ишга тайёрлашда уларни дастлабки заарсизлантириш кейинги босқичларда ўсимликтарнинг зааркунандалар ва касалликлар билан шикастланмаслигини кафолатламайди. Шунинг учун иссиқхоналарда бодрингларни етиштириш технологиясида ўсимликларни ҳимоя қилишга қаратилган, аниқ ташкил этилган, тезкор усууллари мухим аҳамиятга эга.

Иссикхоналарда зааркунандалар ва касалликларга қарши курашишда асосий эътибор профилактик тадбирларни амалга оширишга ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуулларини кўллашга қаратилиши лозим. Кимёвий воситалар эса касалликлар ва зааркунандалар кучли тарқалган ҳолатларда кўлланилиши мумкин. Касалланиш ўчоқлари ҳамда зааркунандалар ва касалликлар пайдо бўлганда, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати мутахассисларига мурожаат этиш зарур. Шу мақсадда зааркунандалар ва касалликлар ўчоқларини эрта пайқай олишни таъминлаш ва уларга қарши кураш ишлов берилиши шарт.

Бодрингларни иссиқхоналарда етиштиришда оқканот (капалак), ўргимчак, занг касалини келтириб чиқарадиган жўлак, итузум пашшаси ва бошқа зааркунандалар кўп учрайди. Оқканотга қарши курашишда биологик усууллардан энкарзия ва макролофуза энтомофаглари, шунингдек, ашерсония замбрӯғи кўлланиллади. Иссиқхона бодрингларини етиштиришда ҳам оқканотга қарши курашишда, помидор етиштиришдаги каби кимёвий воситалардан фойдаланиллади. Иссиқхоналарда бодрингнинг замбрӯғли касалликларидан унсимон шудринг, илдиз чириши энг кўп тарқалган бўлса, сохта унсимон шудринг камроқ учрайди. Унсимон шудринга қарши курашишда оҳак-олтингугурт қайнатмаси (ООҚ) дан фойдаланиллади. Ушбу қайнатма 0,5-1 % ли туйилган олтингугурт (15-30 кг/га) ва топазнинг 15% ли (0,5 кг/га) эритмасидан тайёрланади.

3.3. ТУРЛИЧА АЛМАШЛАБ ЭКИШДА БОДРИНГЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯЛЛАРИ

Кузги-қишки экиш. Кузги-қишки экишда бодрингларнинг касалликларга чидамли бўлган ҳам асалари ёрдамида чангланадиган, ҳам партенокарпик гибридларидан фойдаланиллади. Бу усуул-

да бодринг етиштиришда унинг уруғи иссиқхонадаги тупроққа августанда экилади. Натижада хосилни октябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб териб олиш имконияти яратилади. Ўта қиммат уруғларни тежаш мақсадида гибрид бодринг уруғи тувакчаларга ҳам экилади. Кузги-қишки экишда ўсимликлар лента усулида, кўшқатор схемада жойлаштириллади. Калта ўлчамили, асалари ёрдамида чангланадиган навлар $\frac{100+60}{2} \times 35 - 40$ см. см схемада ёки 1 m^2 га 3,0-3,5 тадан ўсимлилек экилади. Партенокарпик гибридлар эса қаторларга бир мунча сийрак, аникроғи 40-50 см оралиқда, зичлиги эса 1 m^2 га 2,5-3,0 тадан ўсимлилек экилади. Мазкур усуулда ўсимликлар $\frac{100+60}{2} \times 40 - 50$ см схемада жойлаштириллади.

Асалари билан чангланадиган гибридларни етиштиришда 5-6 қаторлардан сўнг ёки иссиқхонанинг 10-15 % майдонига чангланадиган гибридлар экилади.

Узун ўлчамдаги хосилли партенокарпик гибридлар нисбатан каттароқ тўйиниш майдонида етиштириллади. Бунда қаторларнинг оралиғи 1-1,2 м, қатордаги ўсимликлар оралиғи эса 45-50 см бўлади, яъни 1 m^2 га 2 та ўсимлилек жойлаштириллади.

Кузги-қишки бодринглар вертикал шпаллерларда етиштириллади. Ўсимликларни боғлаш, эски баргларни ҳамда хосил берган новдаларни олиб ташлаш ва умуман ўсимликтин шакллантириш юқорида баён этилган усуулларда олиб борилади. Иссиқхоналарда бодринг гулларини чанглатишда асаларидан фойдаланиллади (майдони $500-1000\text{ m}^2$ иссиқхонага битта асалари уяси, 3.3.1-расм). Асалари уялари ноябрда ўрнатилади, чунки бу даврда ташқаридан асаларилар учеб келиши тухтайди. Ноябрь-декабрда ҳаво ҳамда тупроқ ҳарорати бир мунча пасаяди ($20-22^{\circ}\text{C}$ гача). Ҳавонинг нисбий намлиги ҳосилга киришдан олдин 70-75 %, ҳосил бериш даврида эса 75-80 % бўлиши лозим.

ҚР даги иссиқхоналарда анча зич тупроқлардан фойдаланиллади. Шунинг учун сугориш жўякларда амалга ошириллади. Ўсимлик август, сентябрь ва октябрнинг биринчи ярмида ҳар 3-4 кундан кейин, $10-12\text{ l/m}^2$ меъёрда сугориллади, сўнг бу тадбир 5-6 л/ m^2 меъёрда ҳар 5-6 кундан кейин такрорланади. Баъзан, жўяклар устига бир-икки марта, 1-2 см қалинлиқда тупроқ аралашмаси сепилади. Экиш турининг якунидаги сугориш ва озиқлантириш чекланади. Ҳавонинг нисбий намлиги 70-75 % гача пасайтириллади.



3.3.1-расм. Асаларилар уялари

Қишки мавсумлардаги 22-24 °C гача илитилган сув билан суғорилади. Озиқлантириш эса ҳар 1,5-2 ҳафтада амалга оширилади.

Озиқлантириш меъёри 10 литр сувга, ҳосилга киришдан олдин 10 г аммиакли сепитра, 15 г хлорли калий ва 40 г суперфосфат, ҳосил бериш даврида эса уларнинг миқдори, мос равишда, 30, 15 ва 60 г қилиб белгиланади. Ёруғликнинг камайиб бориши билан азотли ўғитлар миқдори камайтирилиб, калийли ўғитларнинг миқдори оширилади. Тупроқ-грунтларга ишлов бериш йўли билан уларнинг донадорлиги сақлаб турилади ва бегона ўтлардан тозаланади.

Ўсимликларни карбонат ангирид гази билан озиқлантириш жуда фойдалидир. Шу мақсадда, бодринг етиширишда, ҳаводаги CO_2 концентрациясини 0,1-0,2 % атрофида таъминлаш лозим. Иссиқхонада ҳавони карбонат ангирид гази билан тўйинтириш курилмаси мавжуд бўлмаганда, ўра қазилиб, унга гўнг солинади.

Бодрингнинг дастлабки ҳосили октябрнинг охири - ноябрнинг бошларида, яъни уруғ тупроққа экилгандан 2 ой ёки кўчат ўтқазилгандан бир ой кейин йиғиб олинади. Узун навли бодрингларнинг ҳосили ҳафтасига икки марта, калта навлиларники эса 3 марта териб олинади.

Қишки-баҳорги экиш. Қишки-баҳорги экиш учун бодрингнинг бошқа экиш турларида истиқболли ҳисобланган барча навлари ва гибридлари тўғри келади.

Бодрингнинг 4-5 та баргли 30 кунлик кўчатларини январнинг биринчи ярмида экиш энг мақбул муддат ҳисобланади. Бодринг мазкур муддатда экилганда у март ойининг ўрталаридан ҳосилга киради.

Юқори сифатли кўчатни таъминлаш учун унинг уруғи декабрнинг бошларида экилади. Уруғлар $8\times8\times8$ ва $12\times12\times12$ см ўлчамлардаги идишлар ёки тувакчалардаги тупроқнинг гўнг-чириндили аралашмасига экилади.


Кўчатлар икки қаторли жўякларда олдиндан тайёрлаб кўйилган, намланган чукурчаларга кўчириб ўтқазилади. Идиш ёки тувакчаларда етиширилган кўчат вертикал ҳолатда, $\frac{3}{4}$ қисм баландликкача тупроққа кўмилган ҳолда экилади. Шундан сўнг улар жўяклар орқали суғорилади.

Бодрингнинг асаларилар ёрдамида чангланадиган навлари ва гибридлари 1 m^2 юзага 3 та ўсимлик ҳисобида $\frac{80+80}{2}\times40$ см схемада жойлаштириллади. Некоторые считают, что лучше раз-

мештать по краям секции по одному ряду, затем три ленты со схемой 100+50 см (рис. 3.3.2).

Айрим мутахассислар ўсимликни секциянинг чеккаларида бир қаторлаб, сўнг учта лентада 100+50 см схемада жойлаштирган маъқул деб ҳисоблайдилар (3.3.2-расм).

Калта ҳосилли, асаларилар ёрдамида чангланадиган навлар сербарг бўлади. Шунинг учун уларда ҳар бир ўсимлик эгаллаган майдон ҳам каттароқ бўлиши керак. Бунда қатордаги ўсимликлар оралиғи 50-60 см ёки ҳар 1 м² юзадаги ўсимлик зичлиги (сони) 2-2,5 оралиғида бўлиши керак. Узун ҳосилли партенокарпик гибридлар бундан ҳам катта майдонга эҳтиёж сезади. Уларда ҳар 1 м² юзага 1,5-2,0 та ўсимлик экилади. Блокли иссиқхонанинг кенглиги 6,4 м бўлган бўлимидаги узун ҳосилли навлар 6 та қаторга



3.3.2-расм. Бодрингларнинг асалари ёрдамида чанглатиладиган навлари ва дурагайларини қўш қаторда жойлаштириш (рақамлар см ўлчам бирлигига)

екилади, ҳар бир қатордаги ўсимликлар оралиғи эса 50-60 см бўлади.

Бодрингни қишки-баҳорги экиш ҳам вертикал шпаллерларда, ягона поя шакллантирилган ҳолда амалга оширилади.

Иссиқхонада ҳаво ҳарорати ўсимлик ҳосилга киргунча бир неча градус пастроқ (ҳаво очиқ кунларда 22-24 °C, булутли кунларда 20-22 °C, кечқурунлари эса 16-18 °C) ушлаб турилса, ҳосилга киргач, ҳаво ҳарорати кўтариб кўйилиши лозим (ҳаво очиқ кунларда 24-26 °C, булутли кунларда 21-23 °C ва кечқурунлари 18-20 °C). Ҳосил беришнинг иккинчи ярмида ҳароратнинг кўтарилиб кетишидан сақланиш лозим. Бунинг учун иссиқхона томи окланади, унинг устига соя берадиган тўр ташланади ёки сув сепиб турилади, экинлар суғорилади.

Қўёшли об-ҳаво кунлари бошлангунча, экинларга ҳар 4-5 кунда, 7-8 л/м² меъёрда, жўяклар орқали сув берилади. Қўёшли кунларда эса суғориш тез-тез, аниқроғи кунора ўтказилади. Суғориш меъёри 10-12 л/м² гача оширилади. Ўсимлик, доимий равишда, ҳар 10-12 кунда минерал ва органик ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилади. Бунда 1 м² юзага 10 г аммоний селитраси, 15 г хлорли калий ва 40 г суперфосфатнинг 10 литр сувдаги эритмаси солинади. Ҳосил туғиши даврида юқоридағилар, мос равишида 20, 15 ва 60 г нисбатларда олинади. Ўсимликни органик ўғитлар билан озиқлантиришда гўнг шарбатининг 1:8 ёки 1:10 нисбатларда тайёрланган аралашмасидан фойдаланилади. Қуруқ ҳолдаги минерал ўғитларни тупроққа солиш йўли билан озиқлантиришда, уларнинг илдиз тизимларига зарар етказиб кўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Вақти-вақти билан тупроқ юмшатилиб, ўсимлик бегона ўтлардан тозаланади. Иссиқхоналарда асалари билан чанглантириладиган навлар ва гибридларни парваришилашда иложи борича асалари уясини қўйган маъқул (иссиқхонанинг 500-1000 м² юзасига битта уя). Ҳаво ҳарорати исиб кетган вақтларда уларнинг иссиқхоналардан учеб чиқишиларига имкон бериш зарур.

Бодринг ҳосили, унинг шаклланниш жадаллигига боғлиқ ҳолда териб олинади. Бу тадбир март-апрель ойларида ҳар икки кунда, май-июн ойларида эса 1-2 кунда ўтказилади.

Бодрингни ўтиш даврида етиштириш. Мазкур экиш турида бодрингнинг узун ҳосилли партенокарпик ҳамда нисбатан калта ҳосилли, асалари ёрдамида чанглатиладиган навлари ва гибридларидан фойдаланиш ўринлидир. Уруғни идишлар ва тувакчаларга экишнинг энг мақбул муддатлари сентябрнинг охири

– октябрнинг бошлари бўлса, уларни тупроққа кўчириб ўтқазиш октябрнинг охири – ноябрнинг бошларига тўғри келади.

Ўсимликни тупроққа кўчириб ўтқазишида уларнинг 20-25 кунлик қўчатларидан фойдаланилади. Ўсимлик ноябрнинг охири - деқабрнинг бошларидаги ҳосилга киради ва бу жараён июнгача давом этади.

Қўчатларни ўтқазиш схемаси қишки-кузги экишдаги каби бўлади. Ўсимликларнинг бошқа экиш даврларига нисбатан узокроқ ўсиб туришини ҳисобга олиб, мазкур экиш турида ҳар бир ўсимликка каттароқ озиқлантириш майдончаси қолдирилади.

Бўлимлари кенглиги 6,4 м бўлган тайёр блокли иссиқоналарда асаларилардан чангланадиган, нисбатан калта ҳосилли гибридлар қаторлар оралиғи 106 см дан қолдирилиб, опти қаторга экилади. Узун ҳосилли партенокарпик гибридларда эса қаторлар оралиғи 1,6 м дан қолдирилиб, тўрт қаторга экилади. Қаторларда ўсимликлар оралиғи 50-60 см ни ташкил этади.

Экинни тўрт қаторда жойлаштиришда, ҳар бир қатор устидан оралиғи 50 см бўлган икки қатор сим тортилади. Ўсимлик уларнинг ҳар бирига навбати билан боғлаб борилади, натижада ўсимликнинг жойлашиши V шаклни олади (3.3.3-расм).

Экишнинг ўтиш даврида ўсимлик тахминан қишки-баҳорги экиш давридаги каби шакллантирилади. Мазкур экиш даврида касал ва қуриб қолган баргларга, ҳосилдан бўшаган навдаларга, шикастланган боғлама толаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.


Ўсимликнинг ҳосил бериш даврида, ҳаво очиқ кунлари, максимал ёруғлик шароитида, иссиқонадаги ҳарорат 22-26 °C, булутли кунларда 20-22 °C, ҳаво очиқ кунлардан кейинги тунги соатларда - 18-20 °C ва булутли кунлардан кейинги тунги соатларда эса 16-18 °C ораликларда бўлиши лозим. Баҳор ва ёзда иссиқонанинг исиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Февралнинг ўрталаригача тупроқнинг намлиги 75-80 % атрофифа, ҳавонинг нисбий намлиги ҳам 75-80 % оралиқда ушлаб турилади. Ўсимликлар ёруғлик меъёрдан кам бўлган вақтларда ҳар 18-20 кунда, етарли ва ундан катта бўлганда эса ҳар 10-12 кунда озиқлантирилади. Экиш даврининг охирги ойида ўсимликни озиқлантириш тўхтатилади.

Ўтиш даври экиш турининг бошланиши кузги – анча илиқ кунларга тўғри келади. Бу ҳолат касалликлар ва зааркуннадаларнинг тарқалишига қулай шароит яратади. Кейинчалик, ёруғликнинг камайиш даври бошланиши билан ўсимликлар ҳам

зайифлашади. Натижада уларнинг касалланиши ва зааркуннадалардан шикастланиши хавфи ортади. Шу туфайли, экишнинг ўтиш даврида ўсимликларни улардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бодрингларни иситилмайдиган плёнкали иссиқоналарда этиштиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари. Баҳорги плёнкали, қуёшдан иситилмайдиган иссиқоналарда бодринглар асосан баҳорги-ёзги экиш даврида этиштирилади. Мазкур типдаги иссиқоналар уруғ ёки кўчкат экишдан 10-15 кун олдин фойдаланишга тўла тайёр ҳолатга келтирилиши лозим. Натижада иссиқонадаги тупроқ ва ҳавонинг яхши исишига эришилади. Бодрингни бу усулда этиштиришни кўчкат тайёрлаш ёки кўкатлардан кейин амалга оширга маъқул. Баҳорги плёнкали иссиқоналарда бодринг этиштиришда унинг кунлик ҳарорат ўзгаришларига нис-



3.3.3-расм. Бодрингнинг узун ҳосилли партенокарпик навлари ва дурагайларини бир қаторга экиб, новдаларини V шаклда тақсимлаб жойлаштириш.

батан барқарор ҳамда катта харажатларни талаб қилмайдиган навлари ва гибридларидан фойдаланиш қулайдир.

Бундай иссиқхоналарда бодрингнинг асаларилардан чангланланадиган, тезпишар навларини етиштириш мақсадга мувофиқидир.

Баҳорги плёнкали иссиқхоналар учун уруғни экишга тайёрлаш ва кўчатни етиштириш усуллари қишики иссиқхоналардаги каби бўлади. Плёнкали иссиқхоналарда 25-30 кунлик кўчатлардан фойдаланилса, кутилган натижага эришилади. Баҳорги иссиқхоналарга, асосан, яхши униб-ўслан, бақувват кўчатларни экиш керак. Кўчатни тупроқ ҳарорати 16-17 °C дан кам бўлмаган шароитда кўчириб ўтқазиш лозим.



3.3.4-расм. Плёнка билан қопланган блокли иссиқхонадаги бодринг ўсимлиги

Баҳорги плёнкали иссиқхоналарда ҳарорат кескин пасайган ҳолатларда техник, калорифер, иссиқлик гинераторлари ва шунингдек биологик иситиш усулларидан фойдаланилганида бодринг етиштириш самарадорлиги анча ортади. Биологик иситиш учун ўрага яхшилаб намланган ғўза чаноги, гўнг ва майда сомон аралашмаси 20-30 см қалинликда солиниб, устига тупроқ ташланади.

Манул типидаги гибридларни экишнинг энг яхши схемаси лентали усулдир (3.3.4-расм).

Баҳорги плёнкали иссиқхоналардаги бодринг ўсимлигини парваришлаш жараёни ҳаво ҳарорати, тупроқ ва ҳаво намлиги, суфориш, жуякларни юмшатиш, озиқлантириш, ўсимликни шакллантириш, эски баргларни ва ҳосилдан бўшаган новдаларни олиб ташлаш ҳамда тупроқ сочиб туриш тадбирларини қамраб олади.

Плёнкали иссиқхоналарда бодринглар етиштиришда унинг поялари вертикал шпаллерларга боғлаб кўйилади. Ўсимлик ягона пояди шакллантирилиб, унинг асосий новдаси каркасга етиб бормагунча, илгакка илинмайди. Барча навлар ва гибридларнинг ён новдалари 1-2 барглардан сўнг каноп ипларга илиб кўйилади.

Агар иссиқхонадаги тупроқ унумдор ҳамда унга экишдан олдин органик ва минерал ўйтлар солинган бўлса, ўсимлик ҳосил берса бошлишига қадар у озиқлантирилмайди. Тупроқ унумдорлиги кам бўлса, ўсимликни озиқлантириш кўчат экилгандан сўнг бир ҳафтадан кейин бошланади. Ўсимлик ҳосил берса бошлагач, уни озиқлантириш ҳар 7-10 кунда бир марта амалга оширилади. Экиш даврининг охирги ойида ўсимликни озиқлантириш тўхтатилади.

Майнинг ўрталарида иссиқхона каркасларидан плёнка йиғиб олиниди, лекин, ўсимлиқдан ҳосил олиш июннинг охиригача давом этади.

Кундузги ва тунги ҳароратларнинг кескин ўзгариши ва натижада плёнканинг ички юзасида конденсация томчиларининг пайдо бўлиши, замбуруғли касалликларнинг ривожланишга имкон яратади. Бодринг ҳосилида чириш кузатилса, иссиқхонани шамоллатиш ёрдамида ҳаво намлиги 70 % гача камайтирилади.

Бодринг ҳосилини териб олиш апрель ойининг иккинчи ярмидан бошланиб, июннинг ўрталари ва охиригача давом этади. Баҳорги иссиқхоналалар шароитида ҳосил найчалари тез ўсади. Шунинг учун уларни ҳар куни йиғиб олиш лозим бўлади (3.3.4-расм).

4

КАМ ТАРҚАЛГАН САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Иссиқхоналарда, помидир ва бодринглардан ташқари, унча катта бўлмаган майдонларда сабзавот-полиз экинларидан болгар қалампири, гулкарам, тарвуз ва қовун ҳам етиштирилади.

4.1. БОЛГАР ҚАЛАМПИРИ



Биологик хусусиятлари ва навлари. Ўсимлик дастлабки 5 та жуфт баргларнинг шакланишигача ва ҳосил бериш даврида жуда секин ўсади. Униб чиқишидан гуллашигача 60-70 кун, ҳосилни дастлабки териб олгунча эса 100-150 кун керак бўлади. Ўсимликни парваришлаш ва етиштириш муддатларига боғлиқ ҳолда унинг вегетация даври 8-9 ойгача давом этади. Болгар қалампирининг иссиқхона учун мўлжалланган навлари ва гибридлари тезпишар, касалликлар ва зараркунандаларга бардошли, ҳосил бериш қобилиятини ёруғлик камайганда ҳамда ҳаво ҳарорати ва намлигининг кескин ўзгаришлари шароитида ҳам сақлай олиши, шунингдек, ҳосили мазали ва хуштамъ бўлиши лозим. Улар йирик ҳосилли, узоқ сақланадиган, транспортда узоқ масофага ташиша чидамли, шохламаган ихчам пояли бўлиши керак.

Ўсимлик тезпишар навларининг иссиқхонада униб чиқиб, тоза пишиб етилгунича 110 кунгача, ўртапишар навларида 110 кундан 140 кунгача, кечлишар навларида эса 140 кундан ортиқ вақт ўтади. Узунбўйли навларда ҳосил бериш даври етти ойгача давом этади, шохламайдиган тезпишар навларда эса бу муддат атиги 20-30 кунни ташкил этади.

Ўзбекистонда болгар қалампирини иссиқхоналарда етиштиришда, уларнинг очиқ майдонларда экиш учун районлаштирилган куйидаги навларидан фойдаланилади: Тошкент Тухфаси, Шарқ Тонги, Зумрад, Тонг, Наргиза, маҳаллий F₁ Жайхун гибриди, Денвер

француз гибриди, F₁ Маратос, Орион, Фиеста номли нидерланд гибридлари. Қисқа муддатларга мўлжалланган экишларда маҳаллий навлардан, узоқ муддатли экишларда эса ҳорижий навлардан ҳамда маҳаллий Зумрад навидан фойдаланилади.

Етиштириш технологияси. Баҳориглёнкали иссиқхоналарда болгар қалампирини баҳор-ёз даврларида етиштирилади. Кўчатлар мартнинг ўрталарида экилиб, уларнинг вегитацияси июль-августда тугайди. Ҳосили эса майнинг ўрталарида етилади. Экишнинг бу турида болгар қалампирининг тезпишар, детерменант навлари ва гибридларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Иситиладиган иссиқхоналарда эса болгар қалампирини қишки-баҳорги ва ўтиш даврларида етиштирилади. Қишки-кузги экиш даврида кўчат январнинг ўрталаридан, февралнинг ўрталаригача экилиб, ундан июлда ҳам ҳосил олинади. Экиш учун унинг тезпишар ва ўртапишар навларининг 55-60 кунлик кўчатларидан фойдаланилади. Ўсимлик мартнинг охирида ҳосилга киради. Ўтиш давридаги экишда эса болгар қалампирининг 35-40 кунлик кўчатлари октябрнинг охири, ноябрнинг бошларида экилади. Бунда ўсимликнинг ўртапишар навларидан фойдаланилади ва унинг ҳосил бериши январнинг охири – февралнинг бошидан бошланиб, июлгача давом этади.

Болгар қалампирининг кўчатини турли экиш даврлари учун етиштириш технологияси кўп жиҳатдан помидор кўчатларини етиштириш технологиясига ўхшайди. Лекин, болгар қалампиринида, унинг уруғини экишга тайёрлашга алоҳида этибор қаратилилади. Жумладан, экиш учун унинг сақлаш муддати бир йилдан кўп бўлмаган янги уруғларидан фойдаланилади. Уруғ ош тузининг 3 фоизли эритмасида сараланади, яъни экиш учун фақат унда чўйкан уруғлардан фойдаланилади.

Уруғ, экишдан олдин, 25-30 °C ҳароратдаги сувда икки кун давомида сақланади. Қишки-баҳорги давр учун уруғни экиш уни кўчириб

ўтқазишдан 70 кун, баҳорги-ёзги экишда 60 кун, ўтиш даврида эса – 40-45 кун олдин амалга оширилади.

Сифатли күчат олиш учун 1 м² юзага 8-10 г уруғ экилади. Уруғ сепилгач, унинг юзасига 0,6 см қалинликдаги тупроқ ёки майды чиринди гүнг сепиллади, сўнг текисланиб, пуркагич ёрдамида сугорилади. Шундан кейин унинг юзаси, янги униб чиқкан ниҳоллар намлика эҳтиёж сезгунича, полиэтилен плёнка ёки қофоз билан ёпib кўйилади.

Болғар қалампири кўчатларини чиринди гүнг билан тўлдирилган, 6х6х6 см ўлчамлардаги идишларда ёки улардан кичик бўлган тувакчаларда ва қутичаларда ҳам етиштириш мумкин. Кўчатларни кўчириб ўтқазишдан олдин амалга ошириладиган тайёргарлик ишлари тупроққа барча турдаги зарур бўлган ўғитларни солиш, кўчатлар ўрнини белгилаш, йўлаклар ва жўякларни ўтказиш тадбирларни қамраб олади.

Баҳорги-ёзги даврда қаторлар оралиғи 60-70 см, улардаги ўсимликлар оралиғи эса 20-25 см ўлчамларда экилади. Натижада 1 м² юзага 6-8 та кўчат тўғри келади. Қишки-баҳорги ва ўтиш даврларида кўчатларнинг озиқланиш майдонлари 70x25-30 см ёки 60x30-35 см ўлчамларда бўлиши лозим. Бунда 1 м² юзага 5-6 та кўчат тўғри келади. Баъзан, экишнинг 100+60 см x 25 см схема бўйича кўш қаторли лента усули ҳам қўлланилади. Болғар қалампирини етиштиришда помидорларни каби ўғитлаш ва озиқлантириш тизими қўлланилади. Болғар қалампири CO₂ билан озиқлантиришига катта эҳтиёж сезади. Қишки-баҳорги экишда унинг пакана навлари тури хеч нарсага боғланмайди. Ўртапишар навларининг туплари эса, айниқса ўтиш давридагиси, вертикал осилиб турган каноп ипларга боғлаб кўйилади. Баҳорги-ёзги экишдаги барча навлар ҳамда қишки-баҳорги экишда пакана навлар шохламайди. Ўрта бўйли навлар икки-учта шоҳ ҳосил қиласди, уларнинг ҳар бири алоҳида каноп ипларга боғланади. Ўсимликини парваришлашда ҳосил бермайдиган новдалар, нимжон ва ривожланмаган шохчалар олиб ташланади. Ушбу тадбир йирик ҳосил олишга имкон беради. Ўсимликтин гуллаш даврида, унинг ҳосил туғишни яхшилаш мақсадида, шпаллерга таёқча билан оҳиста уриб, поя ва новдалар силкитиб кўйилади.

Кўчат экилгандан сўнг, 3-4 ҳафтадан кейин, биринчи бўғимлар шаклланади. Ҳар бир поянинг биринчи барглари бандларидағи ҳосил олиб ташлангани маъқул. Лекин, улардан кейинги кичик шохлардаги ҳосил қолдирилади. Ўсимликини праваришлаш ҳаво ҳарорати ва намликини белгиланган режимда саклаб туришни,

тупроқни юмшатишни, сугоришни ҳамда зааркунандалар ва қасалликларга қарши курашишни қамраб олади.

Ўсимлик ҳосилга киришишига қадар иссиқхонадаги ҳарорат ҳаво очиқ кунларда, 23-26 °C, булутли кунларда 21-24 °C ва кечкурунлари 17-19 °C, ҳосилнинг асосий қисми шакллангандан сўнг эса юқоридаги кўрсаткичлар, мос равишда, 21-24 °C, 20-22 °C ва 15-16 °C оралиқларда ушлаб турилиши лозим. Тупроқнинг энг мақбул ҳарорати 24-26 °C оралиқда бўлади.

Иссиқхонани шамоллатиш йўли билан ўсимликлар ҳарорат кўтарилишида сакланади. Плёнкали иссиқхоналарнинг плёнкаси майнинг ўрталарида йигиб олинади.

Сифатсиз қўринишдаги ҳосил тезда олиб ташланади, лекин бу жараён яшил ҳосил териб олинишидан олдин 2 ҳафтадан кечиктирилмаслиги лозим.

Болғар қалампири помидорларга нисбатан тез-тез сугорилишини талаб этади, у тупроқнинг қисқа муддатли қуриб қолишини ҳам кўтара олмайди. Шунингдек, ортиқча намлика ҳам чидамсиз бўлиб, шу туфайли ўсимлик кичик меъёрларда сугорилади. Ўсимлик кўчати экилгандан кейин, дастлабки 2-4 ҳафталарда тупроқнинг намлиги мўттадил (65-70 %), кейинчалик - биринчи ҳосиллар шакллангунча – 75 %, ҳосил бериш даврида эса 80-90 % бўлиши керак.

Ҳавонинг энг маъқул нисбий намлиги 70-75 % атрофида бўлади. Қаторлардаги тупроқни юмшатиш сугоришдан кейин, ўсимлик туплари оралиқларигача, ленталар оралиқлари эса ҳосил йиғиб олингандан кейин ва навбатдаги сугоришдан олдин ўтказилади.

Ўсимликларни парваришлаш тадбирлари орасида, доимий равишда уларнинг қуий баргларини олиб ташлаш, ўсимлик тупини силкитиш, унинг учини чеканка қилиш (ҳосилни йиғишириб олишдан олдин 40 кунгача), зааркунандалар ва касалликларга қарши ўз вақтида курашиш кабилар ҳам муҳим ҳисобланади.

Болғар қалампирининг ҳосили техник ёки биологик етилганда териб олинади. Охирги ҳолатда ҳосилдорлик сезиларли даражада камаяди. Ҳосилни дастлабки ҳамда қиш мавсумларида териб олиш ҳафтасига 1-2 марта, кўёшли кунлар бошланиши билан эса ҳафтасига 2-3 марта ўтказилади. Болғар қалампирининг ҳосилини териб олишда, унинг банди пичноқ ёки иссиқхона қайчисида қирқилади. Йиғиб олинган ҳосил навларга ажратилиб, сўнг 5-10 кг ли яшикларга жойлаштирилади.

Болғар қалампирини ҳосилини қисқа муддатли сақлаш ва узок масофага олиб бориш 12 °C ҳароратда амалга оширилади.

4.2. ГУЛКАРАМ



Биологик хусусиятлари ва навлари. Гулкарам – бир йиллик ўсимлиқ. Унибичикандан техник жиҳатдан пишиб етилишигача ўтадиган вегетация даври 90-120 кун. Гулкарамнинг характерли хусусияти шундаки, бошчасининг массаси билан барплари массаси ўртасида корреляция – боғлиқлик мавжуд. Бошчасининг массаси умумий массаси 40 % ини ташкил этади. Ўсимликнинг

бошчаси шакллангандан сўнг, баргларнинг массаси ортмайди, лекин, барглар ўсишдан тўхтаганда, бошчанинг массаси камая боради. Юқори ҳароратда (18°C дан катта) ва тупроқда намлик етишмаганда, гулкарам бошчаси 10-11 та баргларда ёк шакллана бошлади, лекин, кичкина бўлиб қолади. Паст ҳароратларда ($8-12^{\circ}\text{C}$) ва намлик билан таъминланиши яхши бўлганда, гулкарам бошчаси 18-20 та баргларда шаклланиб, йирик бўлади.

Гулкарам навлари ва гибридларига кўйиладиган асосий талаблар кўйидалардан иборат: юқори маҳсулдорлик, тезпишарлик, бир вақтда пишиб етилиш, бошчанинг зичлиги, заараркунандалар, касалликлар ва ташки муҳитнинг салбий омиллари таъсирига бардошлилик. Яна бир ижобий белгиси шундаки, гулкарам барглари унинг бошчасига табиий соя солиб туради. Бу ҳолат гулкарам бошчаларини зичлаштирган ҳолда, уларга соя солиш учун, баргларини эгиш ёки бир-бирига туташтиришга ҳожат қолдирмайди.

“Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг Давлат реестри” га голланд, француз, япон селекциялари натижалари бўлган 18 та гибридлар киритилган. Улардан КР худуди учун кўйидаги З таси районлаштирилган: Кашмир (Япония), Скайвокер ва Фарго (Голландия). Иссиқоналарда етиштириш учун Голландиянинг районлаштирилмаган Гудман, Арфак ва Феремонт гибридлари ҳам экилади.

Етиштириш технологияси. КР шароитида гулкарамни иситиладиган иссиқоналарда қишки-кузги, иситилмайдиганларida эса баҳорги-ёзги даврларда экиб, етиштириш мумкин. Гулкарам иситиладиган иссиқоналарда етиштирилганда, унинг ҳосили мартнинг охирида етилади. Иситилмайдиган иссиқоналарда эса очиқ тупроқдагига қараганда 3-4 ҳафта олдин етилади.

Гулкарамни иситиладиган иссиқоналарда қишки-баҳорги даврда етиштиришда, унинг тувакчаларда парваришланган 55-60 кун-

лик кўчатлари январнинг боши ёки ўрталарида экилади. Гулкарам кўчатини олиш учун унинг уруғи ноябрнинг бошларида экилади.

Кўчатлар қаторлар усулида $60-70\times30-35$ см ўлчамларда кўчириб ўтқазилади. Кўчат иссиқонадаги қаторларда олдиндан тайёрланган ва сугориб намланган чукурчаларга кўлда ўтқазилади. Кўчат биринчи барги бандигача бўлган чукурлиқда кўмиб ўтқазилади.

Кўчат ўтқазилгандан кейин, гулкарам гуллагунча, иссиқонада кўйидаги ҳарорат режими таъминланиши лозим: кундузи, ҳаво очиқ кунларда $17\pm3^{\circ}\text{C}$, булутли кунларда – $14\pm3^{\circ}\text{C}$, кечкурунлари – $6-8^{\circ}\text{C}$. Ҳавонинг нисбий намлиги юқори (85-95 %) даражада ушлаб турилиши лозим. Тез-тез суфорилади, айниқса, иссиқ кунларда. Гулкарамнинг барглари ва бошчаларининг шаклланиш даврида тупроқ намлигининг 75-80 % дан пасайиб кетишига йўл кўйилмайди.


Тупроқни асосий тўйинтиришдан ташқари у иккى марта органоминерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Кўчат ўтқазилгандан 10-12 кундан кейин ўсимлик 1:5 нисбатдаги гўнг шарбатининг 10 литрли эритмасига 20 г аммиакли селитра, 15 г суперфосфат ва 10 г хлорли калий кўшиб озиқлантирилади. Озиқлантириш меъёри – бир туп ўсимликка 0,1 л. Шундан 7-10 кун ўтгандан кейин иккинчи озиқлантириш ўтқазилади. Бунда суперфосфат ва калийнинг дозалари иккى марта оширилади. Ўсимлик, кейинчалик, яна иккى марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Ҳосилни ялпи йигиб олишдан олдин озиқлантириш тўхтатилади.

Қишки-баҳорги экишда гулкарам мартнинг охирида ҳосил беради бошлайди ва ҳосилни йигиб олиш апрелнинг бошларида якунланади. Экиндан бўшаган ерларга, одатда, баҳорги-ёзги давр учун мўлжалланган бодринг кўчатлари экилади.

Баҳорги-ёзги даврда гулкарам кўчати 20-25 февралда $70\times25-38$ см ўлчамлардаги схемада экилади. Бу экиш даврида ўсимликларни парваришлаш қишки-баҳорги экиш турига мос равишда олиб борилади. Мазкур экиш турида гулкарам апрелнинг иккинчи ярмидан ҳосил беради бошлайди, уни йигиб олиш майнинг бошларигача якунланади. Гулкарамнинг етиштирилдиган гибридлари барглари лаганча шаклида бўлиб, ҳосил бошчаларини ёпиб туради. Гулкарам бошчалари бир вақтда пишиб етилмайди. Шунинг учун унинг ҳосили танлаб, териб олинади. Бошчалар барг лаганчалари билан биргалиқда, олтин рангга кирмасдан, пичоқда қирқилади. Унинг барглари эса бошчалардан 5 см баландликда қирқилади. Сифати бўйича сараланган гулкарам бошчалари тезда сояга олиниб, салқин ерга жойлаштирилади.

Иссиқхоналарда гулкамам етиштиришда ўсимликлар ораликларини редиска, укроп, салат, кўк ўт каби кўкатлар билан зичлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда уларнинг уруғлари гулкамам кўчатлари орасига сепилади.

4.3. ҚОВУН ВА ТАРВУЗЛАР



Биологик хусусиятлари ва навлари.
Дунёнинг кўпгина мамлакатларида қовун ва тарвузларни иссиқхоналарда етиштириш кенг тус олмоқда.

Қовунда аёллик типидаги ғунчалар иккинчи ва учинчи тартибли ён новдалардаги баргларнинг бандлари остида, аксарият ҳолларда, бир донадан пайдо бўлади. Шунинг учун уларни шпаллерларга илиб қўйиш самаралидир. Тарвуда эса аёллик типдаги гуллар асосан бош новдада шаклланади. Шу туфайли уларни илиб қўйишга эҳтиёж йўқ.

Тарвуз ва қовунларнинг гуллаши, улар палак отгандан сўнг 25-35 кундан кейин бошланади. Даствлаб, эркаклик типидаги ғунчалар, 5-10 кун кейин эса аёллик типидаги ғунчалар гуллайди. Шундан сўнг эркаклик ва аёллик типидаги ғунчаларнинг гуллаши бараварига давом этади. Тарвузнинг униб чиқишидан гуллашигача 45-54 кун, гуллашидан пишгунига қадар 25-42 кун ўтади. Қовунда эса бу жараёнлар, мос равищда, 35-43 кун ва 38-54 кунни ташкил этади.

Полиз экинларини иссиқхоналарда етиштиришга қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат: юқори ҳосилдорлик, қўйи бўғинларда аёллик гулларини шакллантириш қобилиятидан келиб чиқадиган тезпишарлик, ёруғликнинг камайиши, ҳароратнинг кескин ўзгириб туриши, ҳаво намлигининг юқорилиги ва замбуруғли касалликларга бардошлилиги, маҳсулотнинг мазаси ва унинг товар ҳолидаги сифатининг юқорилиги ва бошқалар.

Ўзбекистонда қовунни иссиқхоналарда етиштиришда, унинг кўринишларидан бири бўлган ҳандалак ва ёзги юмшоқ навларидан фойдаланилади. Уларнинг районлаштирилган навларига Роҳат, Ҳандалак, Кўкча 14, Accata 3806, районлаштирилмаганларига эса Давлатбой маҳаллий нави, Илий қозоқ нави, Оген ва Зингер голланд навлари киради. Иссиқхоналарда тарвуз етиштиришда кўпроқ уларнинг Крисби, Трофи каби голланд навлари гибридла-

ридан, Кримсон Свит америка гибридидан, Ўринбой, Сурхон Тонги маҳаллий навларидан фойдаланилади.

Етиштириш технологияси. Ўзбекистонда қовун ва тарвузларнинг айрим навлари очик тупроққа экилади. Уларнинг ҳосили апрель ойигача сақланиб туради. Шунинг учун иссиқхоналарда қовун ва тарвузларнинг ҳосилини май-июн ойларида етиштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу даврда очик тупроқда ҳосил пишиб етилмайди.

ҚР да иситиладиган иссиқхоналарда полиз экинларини етиштиришни ёруғлик орта бошлаган вақтдан, яъни февралнинг охирларидан бошлаган маъқул. Баҳорги, ҳарорат кескин пасайланган вақтлардагина иситиладиган иссиқхоналарда бу борадаги ишларни мартнинг ўрталарида, иситилмайдиган иссиқхоналарда эса мартнинг охирги беш кунлигига бошлаш керак. Баъзан, уруғлар иссиқхонадаги тупроқнинг ўзига экилади. Бу тадбир бир-бир ярим ҳафта олдин бошланади. Қовун ва тарвузларни иссиқхонада етиштиришда, уларнинг 25-30 кунлик кўчатлари экилади. Бу кўчатлар гўнг чириндиси солинган 10x10x10 см ўлчамдаги идишларда етиштирилади. Полиз экинлари кўчатини тайёрлаш технологияси бодринг кўчатларини тайёрлаш кабидир. Қишики иссиқхоналарда кўчатлар мазкур муддатларда экилганда, қовуннинг дастлабки ҳосили апрелнинг охирларида, тарвузники эса, майнинг бошларида пишиб етилади. Баҳорги иссиқхоналарда эса қовун майнинг бошларида, тарвуз эса майнинг ўрталарида пишади. Қавун ва тарвуз етиштиришда, уларнинг уруғи экиладиган бўлса, ҳосилнинг пишиб етилиши 10-15 кунга кечикади.

Иссиқхоналарда полиз экинлари қаторлар усулида жойлаштирилади. Ойнали иссиқхоналарда кўчатлар 1,4-1,6 м x30-70 см схемада, яъни 1 м² юзага қовунда 1,5-2,0 дона ўсимлик, тарвузда эса 0,5-1 та ўсимлик тўғри келади. Қисқа вегетацияга мўлжалланган плёнкали иссиқхоналарда ўсимликлар бир мунча зичроқ, яъни 70x70 см ҳамда 80x40-45 см схемаларда, 1 м² юзага 2-3 та кўчат жойлаштирилади.

Дастлабки иккита суғоришка ҳар бир жўякка, кейингиларида эса биттадан жўяк оралатиб сув берилади. Бунда кўчатлар 70+70 ва 80+80 см ўлчамларда, лентали қўшқатор схемаси бўйича жойлаштирилади (4.3.1-расм).

Кўчатларни экишдан олдин иссиқхонадаги тупроққа яхшилаб ишлов бериш керак. Полиз экинларига минерал ўғитлар солинмай-

ди. Лекин, уларни озиқлантиришда органик моддаларга бой ва до-нодор тупроқ аралашмаларидан көнг фойдаланылади.

Күчатни күчириб ўтқазышдан олдин у иккита-учта, лекин 4 түрттадан ортиқ бўлмаган ҳақиқий баргларга эга бўлиши ло-зим. Күчатни экишдан 5-7 кун олдин унинг ўрни тайёланади. Күчатлар тупроқ ҳарорати 14 °C дан кам бўлмаган шароитда экилади.

Күчат экишдан олдин иссиқхонадаги тупроқ юзасида, ўсимликнинг қабул қилинган экиш схемасига кўра, уларнинг ўрни белгилаб кўйилади. Күчат экиладиган жойларда чукурчалар ков-ланиб, уларнинг тубига тупроқка аралаштирилган гўнг чириндиси солинади. Чукурчалар 1,5-2,0 литр сув билан намланади. Сув ши-милиб кетиши билан чукурчага ўсимлик тувакчалари кўйилиб, у ер юзасидан 1,5-2,0 см баландликкача тупроқ билан кўмилади. Нати-жада ўсимлик атрофида дўнглик ҳосил бўлади. Күчатлар экилган-дан сўнг улар жўяклардан сугорилади.

Полиз экинлари иссиқхоналарда вертикал шпаллерларда етиштирилади. Ҳар бир ўсимлик каноп ип билан боғлаб кўйилади. Кейинчалик ўсимлик поясининг уни доимий равишда каноп ипга ўраб борилади. Қовуннинг Роҳат ва тарвузнинг Ўринбой навли тезпишар гибридлари деярли шохламайди. Бошқа тезпишар навларда иккита ён новдалар (1-тартибли бач-килар) олиб ташланади. Чунки уларда аёллик типидаги ғунчалар аксарият ҳолларда кеч пайдо бўлади. Кейинги уч-тўртта бачки-лар тупроқ юзасига ёйиб кўйилади. Уларнинг ҳар бири, аёллик типидаги ғунчалар шакллангандан сўнг, 2-3 – бўғимларидан шпаллерга тортиб кўйилади. Ўсимликнинг, 6-7 –бўғимларигача аёллик типидаги ғунчалар шаклланмаган новдалари олиб таш-ланади. Ўсимликнинг марказий пояси илиб кўйилмайди. Ўрта ва юқори поғоналардаги биринчи тартибли ён новдалар аёл-лик типидаги ғунчалар шаклланган 2-3 – баргаларидан кейинги қисмларидан илгакларга илиб кўйилади. Бўғинларни меъёр-лаштириш дастлабки ҳосиллар шаклланishiни тезлаштиради ва уларнинг товар сифатида кўринишини ҳамда мазасини яхши-лайди. Ўсимликнинг бир тупига массалари 0,8-1,2 г бўлган 4-5 та ҳосил найчалари меъёр ҳисобланади. Ҳосил найчалари тўр қопчаларга жойлаштирилиб, шпаллерларнинг юқори симларига ёки иссиқхона синчларга осиб кўйилади. Қуйи бўғимларда шак-лланиб, тупроқ устида жойлашган қовун ҳосилининг тагига плен-ка парчалари кўйилади (4.3.1-расм).



4.3.1-расм. Плёнкали иссиқхонада қовун етиштириш

Иссиқхоналарда етиштириладиган полиз экинларини парвариши-лашга энг мақбул ҳароратни (кундизи 26-28 °C, кечкурунлари 18-20 °C), ҳавонинг нисбий намлигини (60-70 %) ушлаб туриш киради. Ушбу шароитларга иситиш ва вентляция тизимини бошқариш, шу-нингдек, сугориш ва озиқлантиришни ўз вақтида амалга ошириш, тупроқни юмшатиш ҳамда зараркунандаларга ва касалликларга қарши самарали курашиш натижасида эришилади. Сугоришлар дастлаб анча мұтадил, кейинчалик эса ортиқча меъёрларда амалга оширилади. Ўсимлик вегетация даврида жўяклар орқали сугорилади. Қовунлар иссиқхона шароитида бир мавсумда 8-10, тарвузлар эса улардан 1-2 марта кам сугорилади. Тупроқ 2-3 марта юмшатилади. Дастлабки ҳосил шакиллангунга қадар ўсимлик 1-2 марта озиқлантирилади. Озиқлантириш таркиби ва меъёри 1 м² юзага: қовун учун 15 г аммиакли селитра, 30 г аммофос ва 10 г калий тузи; тарвуз учун эса, мос равища, 10, 30 ва 30 г ни ташкил этади. Озиқлантириш тупроқни юмшатиш ва сугориш билан бирга-лиқда олиб борилади. Ўғит кўлда солинади ва тупроқка кўмилади. Полиз экинларининг ҳосили бир вақтда пишиб етилмайди. Шунинг учун уларнинг ҳосили 3-4 марта йигиб олинади.

5

ҚЎКАТЛАР ВА РЕДИСКА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



ҚР иссиқхоналарида қўкат экинларидан кўпроқ укроп, кашнич, петрушка ва редиска етиштириш мақсадга мувофиқидир.

5.1 УКРОП

Иссиқхоналарда ҳам укропнинг очиқ тупроққа экишга мўлжаллаб районлаштирилган қўйидаги навлари етиштирилади: маҳаллий – Ўзбекистон 243 ва Ором, француз нави – Аннат, украин нави – Харков 85. Баъзан районлаштирилмаган - Грибовский, Армянский 269 ва Супердукат ОЕ навларидан ҳам фойдаланилади.

Бодринг ва помидорлар экилган қишики иссиқхоналарда укроп уруғи улар оралиғига сочилиб, экинларни зичлаштиришгич сифатида етиштирилади. Шунингдек, укроп ёруғ айвонлар ёки йўлакларга ўрнатилган яшикларда, баҳорги иссиқхоналарда эса зичлаштиргич ёки баъзан якка ҳолда ҳам етиштирилади.

Укроп ниҳоллари униб чиққандан кейин, унинг ҳосили кузги-қишики даврларда 40-45 кундан, эртабаҳоргилари эса 30-35 кундан сўнг истеъмолга яроқли бўлади. Иситиладиган иссиқхоналарда укроп уруғини сепиш муддатлари унинг ҳосили пишиб етилишини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади. Укропнинг тезпишарлигидан фойдаланиб, унинг уруғи иссиқхоналарга бир неча марта сепилади. Укроп баҳорги иссиқхоналарда, кузги экиш турида етиштирилади, унинг уруғи октябрнинг ўрталаридан, ноябрнинг охиригача сепилади. Эрта баҳорги экишда эса уруғ февралнинг бошидан, мартнинг ўрталаригача, асосий экинни етиштиришдан олдин сепилади. Баҳорги плёнкали иссиқхоналарда укроп экинларни зичлаштиргич

сифатида етиштирилиши мумкин. Укроп етиштириш учун тупроқ қопламининг қалинлиги 10-12 см бўлиши лозим.

Укроп уруғи жуда секин ривожланади. Шунинг учун у экишдан олдин икки кун давомида ивitiб қўйилади. Дастлабки ивitiшда уруғ иссиқ (60°C) сувга солинади, сўнг сув кунига 3-4 марта алмаштирилади. Уруғлар нам ёғоч қириндиси ёки кумда яхши ўса бошлайди. Мазкур усулда ўстиришда ҳам уруғ бир кун давомида ивitiлиб, сўнг ўстиришга қўйилади. Социшдан олдин, нам тортган уруғлар енгилгина қуритилади. Бу тадбир уруғни сепишни осонлаштирилади. Курук уруғлар сепилгандан 8-12 кундан кейин униб чиқади, намланиб ундирилганлари эса 3-5 кундан кейин кўкара бошлайди. Укропнинг якка ўзи етиштирилганда, унинг уруғи кўп қаторли лента усулида, қаторлар оралиғи 10 см олиниб, сепилади. Тупроқ тирмаланиб, уруғлар 1-1,5 см чуқурга жойлаштирилади. Қишики иссиқхоналарда уруғ сепиш кўчкат экиладиган яшикларнинг ҳар бирига 3-4 г, ёруғ айвонлар ёки йўлаклардаги тупроққа эса 1 м² юзага 20-30 г меъёрда сепилади. Укроп зичлаштиргич сифатида, лента усулида 4-6 қаторга экилади. Бунда 1 м² юзага 10-15 г уруғ сарфланади.

Уруғ сепилгач, тупроқ илиқ сув билан сугорилади. Сўнг уруғ устидан 0,5 см қалинликда чиринда гўнг сепилади. У тирма ёрдамида тупроқ билан енгил аралаштирилади ёки зичлаштирилади. Кўчкат яшиклари эса уруғ сепилгач, 3-5 кун давомида, $20-25^{\circ}\text{C}$ ҳароратда устма-уст тахлаб қўйилади. Уруғлар ниш ура бошлагач (5 % дан ортганда), яшиклар бир қаторга текис териб қўйилади.



5.2.1.-расм. Кашнич

Ниҳолларкўзга кўрина бошлагач, ҳарорат бироз пасайтирилиб, 5-6 кун давомида 10-12 °C даражада ушлаб турилади. Кейинчалик, ҳарорат кундуз кунлари 18-20 °C, кечқурунлари эса 12-14 °C га кўтарилиди. Тупроқ ҳароратини 16-19 °C орлигига ушлаб туриш маъкулдир. Вегетация даврида укроп 2-3 марта суғорилади. Бу тадбир ўсимликни озиқлантириш мақсадида азотли ўғитлар (бир литр сувга 3-4 г аммиакли селитра) дан фойдаланиш билан биргалиқда олиб борилади. Зарур бўлганда, ўсимлик бегона ўтлардан тозаланади.

Укроп учун тупроқнинг оптимал намлиги 70-80%, ҳаво нисбий намлигининг оптимал қиймати эса 50-60 % бўлиши лозим. Тупроқ намлигини ўта ошириб юбориш ва ҳароратни 22-25 °C гача кўтариш, шунингдек, ҳавода нисбий намликтин юқори бўлиши ҳам фузариоз касаллигининг тарқалишига олиб келади.

Укропнинг бўйи 15-20 см га етганда йиғиб олинади. Лекин, ўсимликнинг йўғонлашган шохларининг учидаги барглар бандларида гул ғунчалар пайдо бўлганда, укроп кўкати максималь массага ҳамда энг хушбўй ҳид тарқатиш қобилиятига эга бўлади. Уни йиғиширишда ўсимлик илдизи билан суғуриб олинади. Баъзан, илдизи қолдирилиб, пояси тупроқдан юқори қисмидан қирқиб олинади. Қолган илдиз суғориш натижасида яна ўсиши мумкин ва бу ҳолат ҳосилни иккинчи марта йиғиб олишга имкон беради. Укропни 0 °C ҳароратда 3-5 кундан ортиқ сақлаб бўлмайди.

5.2. КАШНИЧ

Кашничнинг потинча номи кориандр, арманча – кинза. У бир ийллик ўтсизмон ўсимлиқдир (5.21.-расм).

Кашничнинг уруғи 6 °C ҳароратда ниш ура бошлайди, ўсимликнинг ўсиб, ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат 22-25 °C га тенг.

Иссиқхоналарда кашничнинг очик тупроқ учун районлаштирилган навлари етиширилади. Уларга маҳаллий Орзу ва Россиянинг Янтарь навлари киради. Кашнич етилиши жадаллиги бўйича укропга яқиндир. Шунинг учун ҳам кашнич укроп каби етиширилади, унинг уруғини сочиш ва ҳосилини йиғиб олиш муддатлари ҳам укропдаги каби бўлади. Кашнич уруғи ҳам тупроқка лента усулида, кўп қаторли шаклда сепилади.

Кашнич ҳам иссиқхоналарда асосий экин тури сифатида ёки экинларни зичлаштиргич кўринишида етиштирилиши мумкин. Кашнич уруғи энг яхши униб чиқиш хусусиятига эга бўлиб, атиги бир кун давомида ивитилади.

Кашнич уруғини сепиш меъёри укропга нисбатан кичикдир. Уни алоҳида экин тури сифатида етиштириш режалаштирилганда меъёр 12 г/м² га тенг қилиб олинади. Кашничнинг ҳосилдорлиги эса укропга нисбатан юқоридир.

5.3. ПЕТРУШКА

Петруша – икки йиллик ўсимлиқидир. Унинг икки тури мавжуд: баргли ва илдизли. Ўсимликни етиштиришнинг биринчи йилида унинг кичиктаксимчалар кўринишидаги силлиқва ялтироқ барглари ҳамда илдиз тизими шаклланади. Петрушканинг илдизи кулранг-ок рангдаги йўғонлашган ҳамда ундан тармоқланиб кетган ингичка илдизлардан иборат бўлади. ҚР да, номавсумий шароитларда, петрушкани кўкат сифатида тезлаштирилган усул ёки уруғини сепиш усули билан етиштириш мумкин. Тезлаштирилган усулда унинг илдизларидан фойдаланилади. Шу мақсадда петрушканинг районлаштирилган маҳаллий Нилуфар, француз навларидан Гигант Де Италия, Камила (Дарк Грин), Новас ва Россиянинг Сахарная навларининг илдизлари экилади. Уруғини сепиш усули билан петрушка етиштирища эса Россиянинг районлаштирилган «Сахарная» ёки районлаштирилмаган «Обыкновенная листовая» навларидан фойдаланилади.

Петрушкани тезлаштирилган усулда етиштирища унинг барглари декабрь-февраль ойларida қиркилади. Бу тадбир 35-40 кун давом этади. Узлуксиз – конвойр усулда кўкат етиштириш учун илдизларни кўчириб ўтқазиш, қиши давомида, бир неча муддатларда амалга оширилади. Шу мақсадда петрушканинг илдизлари очиқ тупроқда етиштирилади. Октябрнинг охирларида улар ковлаб олинниб, сақлаб қўйилади. Петрушканинг кўк баргларини тезлаштирилган усулда етиштириш учун, сақлаб қўйилган илдизлар, оралиғи 15-20 см ли қаторларга ҳар 7-8 см дан кейин экилади. Экиш чуқурлиги 8-10 см тупроқ қалинлиги эса 20-25 см бўлиши лозим. Бунда йўғон илдизларнинг диаметри 2-3 см, ўртача массаси 70-80 г бўлиб, уларни экиш меъёри 5-6 кг/м² ни ташкил этади. Барглар эркин ўсиб чиқиши учун илдизнинг бош қисми очиқ қолдирилади. Бу даврда ҳарорат 19-20 °C оралиғида ушлаб туриласди.

Петрушканинг уруғини тупроққа сепиш йўли билан иссиқхоналарда кўкат етиштиришда, тезлаштирилган усулга нисбатан 40-45 кун ортиқ вақт кетади. Лекин, мазкур усулда укропни очиқ майдонлардаги тупроққа экиш, илдизларни тайёрлаш, сақлаш ва уларни иссиқхоналарга олиб бориш, экишга бўлган зарурат йўқолади. Петрушка ҳосилдорлиги уни бир неча марта қирқиб олишда юқори бўлади.

Петрушка уруғи жуда секин ўсади. Ўсишни тезлаштириш учун петрушка уруғи 2-3 кун давомида ивитилади, сўнг янга 3-4 кун нам газламада ундирилади.

Айrim ҳолларда петрушкани экишдан олдин унинг уруғи 35-50 °C ли илик сувда 4-5 кун давомида намланади. Бу тадбир уруғларнинг униб чиқишини 7-8 кунга тезлаштиради. Тайёр уруғлар унча чуқур бўлмаган жўяклардаги нам тупроққа экилади. Уруғ сепилгач, тупроқ юзаси чиринди гўнг билан қопланади. Баҳорда, уруғ сепилгач, жўяклар ёруғлик ўтказадиган плёнка билан қопланishi лозим. Уруғ униб чиққач, плёнка олиб ташланади. Уруғ сентябрда кўп қаторли (қаторлар оралиғи 10-15 см) усулда ёки пушталарга, ораларида йўлаклар қолдириб, сепилади. Уруғ 0,5-1 см чуқурлиқда жойлаштирилади, уни сепиш меъёри 1,5-2 г м². Ўсимликлар оралиғи ўтоқдан кейин 2-3 см бўлиши керак.

Петрушка мұттадил (15-17 °C) ҳаво ҳароратини, ҳавонинг паст нисбий намлигини (60-70 °C) ва тупроқнинг мұттадил (60-70 %) намлигини талаф этади. Петрушка кўллатиб, лекин, нисбатан кам суфорилади. Бу тадбир илдиз чиришдан сақлайди. Ўсимлик ортиқча намликтан кўпроқ декабрь-январь ойларida кучли зарар кўради.

Петрушка барглари кўп мартали қирқиши йўли билан йиғиб олинади. Дастлабки қирқиши уруғ сепилгач, 2,5-3 ойдан кейин ўтказилади. Куз ва қиши фаслларида ҳар бир қирқиши оралиғи 50-60 кунга, эрта баҳорда эса 30-40 кунга тенг бўлади. Бир мавсумда (сентябрдан майгача) петрушка баргларини 5-7 марта қирқиб олиш мумкин.

5.4. РЕДИСКА

Редиска ёруғликка ўтаталабгор бўлган бир йиллик ўсимлиқидир. Шунинг ҳам у кўпроқ баҳорда асосий ёки зичлаштирувчи экин сифатида етиштирилади. Иссиқхоналарда редисканинг районлаштирилган тезпишар навларидан қуйидагилар экила-

ди: маҳаллий навлардан Лола, Эртапишар, Россиянинг “Сакса”, қизил ва учи оқ “Круглий” навлари, Верица серб навлари етиширилади.

Улар қаторида хориждан келтирилиб, районлаштирилган тезпишар гибридларнинг қўйидаги турларидан ҳам фойдаланилади: Рудольф F₁, Принто F₁, Селемта F₁, Сора F₁, голланд навлари, Джолли F₁, Раунд Скарлет F₁ француз навлари, Глориэт F₁, Чериетте F₁, япон навлари. Қишлик иссиқхоналарда редиска бодринг ёки помидорга зичлаштиргич экин сифатида етиширилади. Уруғни сепиш кўчатларни кўчириб ўтқазишидан 6-8 кун олдин ўтказилади. Редиска уруғи 4-6 қаторли лента усулида асосий экин жўякларнинг ҳар икки томонига сепилади.

Қишлик иссиқхоналарда редиска кўчат яшиклиарида, ёруғ айвонларда ҳам етиширилиши мумкин. Редиска уруғи 1,5-2 см чукурликка кўлда экилади. Бунда ҳар бир кўчатнинг тўйинниш майдончаси 5x5 см ўлчамларда режалаштирилади ва ҳар бир

чукурчага иккитадан уруғ ташланади. Экишдан олдин уруғ сараланади, экиш учун диаметри 2-2,5 мм дан кичик бўлмаганлари танлаб олинади, уларга ишлов берилади. Кўчатлар униб чиққач, улар ягона қилинади.

Редиска плёнкали иссиқхоналарда биринчи экишда февралнинг бошларидан – мартнинг ўрталаригача, асосий иссиқсевар экинни экишдан олдин етиширилади. Иссиқхонанинг 1 м² юзасига 450-500 дона ёки 4-6 г уруғ экилади. Уруғ, олдиндан тўйинниш майдончалари 5x5 ёки 6x4 см ўлчамларда, режа асосида тайёрланган чукурчаларга кўлда экилади. Кенг ленталар (1,2-1,5 м) орасида тор йўлакчалар қолдирилади (5.4.1-расм).

Редиска ўсимлигини парваришлашга ҳаво ҳамда тупроқнинг тавсия этилган ҳарорати ва намлигини сақлаб туриш, озиқлантириш тадбирлари киради. Қишлик иссиқхоналарда, юқоридагилардан ташқари, ўсимликнинг яхши ўсиб чиқишини таъминлаш учун майда тупроқ сепилади, лекин, уруғлар ялпи униб чиқмагунича суфорилмайди. Бу тадбир уруғни чиришдан сақлайди. Тупроқ юзаси куриб қолганда, сув сепилади. Суфориш ҳам дастлаб ўртача меъёрда, сўнг тез-тез амалга оширилади. Редискани етишириш даврида, у икки марта озиқлантирилади. Биринчи озиқлантириш уруғ униб чиққандан икки ҳафтадан сўнг, гўнг шарбати билан (1:6 нисбатда сув билан аралаштириб) амалга оширилади. Бунда 10 л аралашмага 15 г суперфосфат, 10 г калий тузи солинади. Иккинчи марта озиқлантириш, биринчи озиқлантиришдан бир ҳафта кейин ўтказилади. Бунда 10 л сувга 40 г аммиакли селитра, 20 г суперфосфат, 15 г калий тузи солинади, 1 м² майдонга 6-7 литр эритма меъёр қилиб олинади. Ҳосилни йиғиб олиш, қишида уруғ униб чиққандан 32-35 кундан кейин, эрта баҳорда эса 25-28 кундан кейин бошланади.

Редиска ҳосилини йиғиб олиш, унинг ўлчамлари диаметри 2 см дан кичик бўлмаганларини танлаб териб олиш йўли билан, 3-4 марта амалга оширилади. Ҳосил 10-12 кун давомида йиғишириб олинади. Бу жараёнда редиска илдизи баргалари билан биргалиқда суғуриб олинади ва уларнинг ҳар 10 донасидан боғламлар шакллантирилади. Баъзан барглари қирқилиб, бир мунча қисқартирилади



5.4.1-расм. Редискани баҳорги плёнкали иссиқхонада етишириш.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Бакурас Н.С., Луценкова К.К.* Тепличное овощеводство Узбекистана -Ташкент. Мехнат, 1985. 163 с.
2. *Бакурас Н.С., Луценкова К.К.* Система земледелия в овощеводстве защищенного грунта // Научно-обоснованная система земледелия в Каракалпакской АССР-Ташкент, Мехнат, 1989 г. с. 144-151.
3. *Zuev V.I. Atahodjaev A., Qodirhodjayev O. Himoyalangan yerlarda kochat va sabzavotlarniyetichtirich.* – T.: Nochir, 2010. – 280 B.
4. *Зуев В.И., Атакаджонов А. А., Асатов Ш.И., Кадирходжаев А. К, Акрамов У.И.* Овощеводство защищенного грунта. -Ташкент. «Humoin Iqtisod– Moliya» 2014. 467 s.
5. *Zuev V.I., Atahodjaev A.A., Asatov Sh.I./Qodirhodjayev O.K., Akramov U.I.* «Himoyalangan joy sabzavotchiligi». Toshkent «HumoinIqtisod – Moliya». 2014. 467 б.

ИЛОВА: ЎЗБЕКЧА-РУСЧА АТАМАЛАР ЛУГАТИ

T/p	Атаманинг ўзбекча мазмуни ва моҳияти	Атаманинг русча таржимаси
1	Бачки (барг қўлтиғидан чиқувчи новдалар)	Пасынки
2	Биологик хусусиятлари	Биологические особенности
3	Биринчи бўғим	Первый подиум
4	Бодринг найчалари	Зеленцы огурца
5	Дурагай	Гибрид
6	Етиштириш технологияси	Технология выращивания
7	Ёритилганлик	Освещенность
8	Жадал ўсуви чорбаси	Индетерминантный сорт
9	Замонавий	Современный
10	Заараркунандалар	Вредители
11	Иншоот	Сооружения
12	Ипга боғлаш	Подвязка
13	Иссиқхона	Теплица
14	Иссиқхоналарни қайта тиклаш	Реконструкция теплиц
15	Иссиқхонанинг бир бўлими	Пролет теплицы
16	Кам тарқалган сабзавот экинлари	Малораспространённые овощные культуры
17	Касалликлар	Болезни
18	Кичик ҳажмли гидропоника	Малообъёмная гидропоника
19	Кичик ҳажмли, ойна ёки плёнка билан ўралган, биологик ёнилғи билан иситиладиган иншоот - иссиқхона	Парник
20	Кузги - қишки алмашлаш	Осенне-зимний оборот
21	Кўкат экинлар	Зеленые культуры
22	Кўчат	Рассада
23	Кўчат усули	Рассадный метод
24	Калта ҳосилли нав	Короткоплодный сорт
25	Майсаларни сийраклатиш	Пикировка
26	Мухит	Субстрат
27	Нав	Сорт
28	Нав танлаш	Выбор сорта

T/p	Атаманинг ўзбекча мазмуни ва моҳияти	Атаманинг русча таржимаси
29	Намлик	Влажность
30	Оққанот	Белокрылка
T/p	Атаманинг ўзбекча мазмуни ва моҳияти	Атаманинг русча таржимаси
31	Полиз экинлари	Бахчевые культуры
32	Плёнканинг шаффоғлиги	Прозрачность пленка
33	Ривожланиш истиқболлари	ПЕРЕСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ
34	Сабзавот экинларини озиқлантириш	Питание овощных культур
35	Совуққа чидамли сабзавот экинлари	Холодостойкие овощные культуры
36	Сувда эритилган ўғит билан озиқлантириш	Фертигация
37	Тупроқ	Почва
38	Тупроқ ва тоғ жинслари аралашмаси	Почвогрунт
39	Тупроқсиз экин	Бессубстратная культура
40	Узун ҳосилли нав	Длинноплодный сорт
41	Унсимон шудринг	Мучнистая роса
42	Үргүп сепиш	Посев семян
43	ФФР - фотосинтетик фаол радиация	ФФР - фотосинтетически активная радиация
44	Шира	Тля
45	Шўрланиш	Засоление
46	Экиш схемаси	Схема посадки
47	Ўсимлик	Растение
48	Ўсимликларни парваришилаш	Уход за растениями
49	Ўсишли тезлаштирувчи моддалар	Стимуляторы
50	Ўтувчан алмашлаш	Переходной оборот
51	Ўғит	Удобрение
52	Қишки-баҳорги алмашлаш	Зимне-весенний оборот
53	Қозонхона	Котельная
54	Ҳаво-газ режими	Воздушно-газовый режим
55	Ҳарорат	Температура
56	Ҳимояланган ер сабзовотчилиги	Овощеводство защищенного грунта
57	Ҳосил йигиштирилгандан кейинги ишлар	Послеуборочные работы
58	Ҳосил туғишини тезлатиш	Стимуляция плодообразования
59	Ҳосил туғиши	Плодоношение
60	Ҳосилдан бўшаган ўсимликларни ипдан бўшатиш	Приспускание растений